

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 004:336.27

Қўлёзма ҳуқуқида

Нуримов Ориф Умаржонович

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ БЕРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
и.ф.н. Тешабаев Т.З.

Тошкент - 2014

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: АКТСИМ

Магистратура талабаси: Нуримов О.У.

Кафедра: АКТ соҳасида иқтисодиёт

Илмий раҳбар: и.ф.н. Тешабаев Т.З.

Ўқув йили: 2013-2014

Мутахассислиги: 5A230102–Иқтисодиёт

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Кундан-кунга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига чуқурроқ кириб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кредит фаолиятида сифат жиҳатдан янгича босқичга ўтишни тақозо этмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида тижорат банклари томонидан кредит беришда АКТнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш ва уни замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўта долзарбдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини очиб бериш, кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади бўлиб ҳисобланади. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилган: тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг мақсад ва вазифаларини очиб бериш; кредит жараёнига АКТни жорий этиш масалаларини ўрганиш; ОАТ “Алоқабанк” кредит фаолиятининг амалий ҳолати таҳлилин аналитика ошириш; ривожланган давлатлар кредит фаолиятини тараққий этиш тажрибасини ўрганиш; тижорат банкларида кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида ОАТ “Алоқабанк” тижорат банки олинган. Тадқиқот предмети бўлиб эса ОАТ “Алоқабанк” томонидан бериладиган кредититлар асосида юзага келадиган молиявий муносабатлар ва кредитлар беришда АКТларни жорий этиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт-мантикий, таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Тижорат банклари кредит фаолиятида жамият ҳаётига фаол кириб бораётган

АКТнинг аҳамияти, уни такомиллаштиришдаги ўрни биринчи марта мустақил илмий мавзу сифатида комплекс равишда тадқиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Тўпланган илмий маълумотлар, чиқарилган хулосалар ва амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар республикамізда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан қўлланилиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Умумий ҳажми 99 бетдан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва унинг вазифалари кўрсатилган; кредит жараёнига АКТни жорий этиш масалалари ёритилган; ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит фаолияти таҳлил қилинган; хорижий мамлакатлар банк соҳасида кредит технологияларининг қўлланилиши ўрганилган; кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Кредит бериш жараёнида онлайн аризаларни қабул қилиш амалиётининг техникавий ишлаш тартибини фаоллаштириш, ҳар бир босқич қоидаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш; кредит олиш учун миждозлардан талаб қилинадиган ҳужжатларни масофавий қабул қилиш амалиётини жорий қилиш; миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини ёки аксинча, лаёқатсизлигини аниқловчи кредит скорингининг барча турларидан кенг фойдаланиш ва таҳлилни амалга оширишни янги авлод технологиялари асосида автоматлаштириш; олинган кредитларнинг фоиз тўловларини тўлаш жараёнини автоматлаштирилган тўлов тизимида ўтказишда Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарини жалб этиш имкониятини яратиш.

Илмий раҳбар

↑

Магистратура талабаси

↑

**STATE COMMITTEE OF COMMUNICATION, INFORMATION
TECHNOLOGY AND TELECOMMUNICATIONS IN UZBEKISTAN
TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

Faculty: EMICT

Department: Economy in ICT

Academic years: 2013-2014

Master: Nurimov O.U.

Supervisor: Ph.D. Teshabaev T.Z.

Specialty: 5A230102 – Economy

ABSTRACT TO MASTER’S DISSERTATION

Relevance of the dissertation. Day after day in the socio-economic environment of our country information and communication technologies (ICT) lending money goes to the next level. Role of ICT in economic reforms of banking sector, its usage and modernization with all the necessary requirements, as well as its theoretical and practical relevance.

Main goal and tasks of the research. Reveal the role of ICT essence in political modernization of loans in commercial banks of Uzbekistan, scientific novelty in upgrading lending practices and develop practical references. Based on the purpose of the dissertation following tasks have been nominated: credit policy of commercial banks; reveal their goals and objectives; study of the challenges of ICT in the lending process; development of credit policy OJSC "Aloqabank"; study the credit activity's experience in developed countries, develop a proposal for the modernization credit activity of commercial banks through ICT.

Objects and subjects of the research. Object of the research is OJSC "Aloqabank". The subject of research is the financial settlement of loans of OJSC "Aloqabank" and ICT in the loan process.

Scientific novelty of the research. Role of ICT in commercial banks for its modernization in society is seen as the first set of independent scientific research.

Technique and methodology. In the dissertation widely used following techniques: comparison analyses, graphs, analyses, economic-mathematic system analyses.

Practical significance results of the research and implementation. Collected scientific data, conclusions and significant practical references might be used in commercial banks of our republic.

Structure of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three main parts, conclusion, list of references and attachments. The total volume of the dissertation consists of 99 sheets.

The main conclusions of the work done. Credit policy and its tasks of commercial banks; role ICT in loan issues; analyze of OJSC "Aloqabank" credit

activity, study of world banking credit technologies, develop ICT references in modernization of loan.

Conclusions and summary of proposals. In the process of accepting online applications for credits initiate technical order in practice, develop step by step rules and provide data security, practical implementation from distance consumers' requires, availability of consumer's credit or not, wide range usage of all credit scoring for spotting unavailable consumers and automatize the process of analyze. Create necessary requirements for ICT companies in Uzbekistan for developing atomized system calculation percent from given loan.

↑Supervisor

↑_____

↑

↑Master

_____↑

↑

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг реал сектори ҳисобланган банк-молия тизими фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бозор муносабатларини янгича бошқариш соҳаси давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат билан уйғунлашган ҳолда кўпроқ банк-молия тизимига юклатилмоқда. Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди”¹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Кредитлаш жараёни тижорат банкларининг муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш банклар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ривожланган жамиятда ушбу тизимсиз баркамол иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Кредит тизимининг ҳолати иқтисодиёт ривожига тўғридан тўғри таъсир этади, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори даражадаги ривожига эришиш ривожланган кредит тизимини барпо этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини доимий таҳлил қилиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Кредитларни ўз муддатида қайтарилиши банклар ва мижозлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига Президентимиз И.А.Каримов алоҳида

¹ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.- Тошкент: Ўзбекистон, -2014. -63 б.

эътибор қаратиб шундай дейдилар: “Табиийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин”².

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти талабларига мос кредит тизимини шакллантириш мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун жуда ҳам аҳамиятлидир. Зеро, ривожланган кредит тизими мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида энг зарур ва муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда, кундан-кунга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига чуқурроқ кириб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кредит фаолиятида ҳам сифат жиҳатдан янгича босқичга ўтишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу йўналишда ангича тафаккурни вужудга келтиришни, АКТ имкониятларини қўллаган ҳолда кредит фаолиятини бошқариш ва такомиллаштиришнинг янги усул ва услубиётларини амалиётга жорий этишни талаб этмоқда.

Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида тижорат банклари томонидан кредит беришда АКТнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш ва уни замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўта долзарбдир.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти сифатида ОАТ “Алоқабанк” тижорат банки олинган. Тадқиқот предмети бўлиб эса ОАТ “Алоқабанк” томонидан бериладиган кредитлар асосида юзага келадиган молиявий муносабатлар ва кредитлар беришда АКТларни жорий этиш жараёни ҳисобланади.

² Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -455 б.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини очиб бериш, кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади бўлиб ҳисобланади.

Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг мақсад ва вазифаларини очиб бериш;
- тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий асосларини ўрганиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредит жараёнига АКТни жорий этиш масалаларини ўрганиш;
- ОАТ “Алоқабанк”нинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш;
- ОАТ “Алоқабанк” кредит фаолиятининг амалий ҳолати таҳлилин амалга ошириш;
- ривожланган давлатлар банклар кредит фаолиятининг тараққий этиш тажрибасини ўрганиш ва шунинг асосида уни республикамиз тижорат банклари фаолиятида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларида кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертацияда кредит бериш жараёнида АКТларни жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар тижорат банклари фаолиятида қўлланилиши ва ушбу тавсиялар орқали кредит фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кредит тизимини такомиллаштириш, унинг умумий жиҳатларини ёритиб беришнинг баъзи

назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан Ш.З.Абдуллаева, Б.Т.Бердияров, Т.И.Бобакулов, Х.А.Тўхсанов, Т.М.Қоралиевларнинг илмий ишларида ўрганилган. Хорижлик иқтисодчи олимлардан эса В.А.Афанасьев, Л.А.Дробозина, В.Лексис, О.И.Лаврушин, В.И.Колесников, Л.И.Кроливецкой, В.А.Челнаков, П.С.Роузларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш ва ривожлантириш, банклар фаолиятини эркинлаштириш шароитида кредит турлари ва уни такомиллаштириш масалалари, кредит амалиётида АКТдан фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда махсус илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт-мантикий, таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан иқтисодиётни модернизациялаш босқичида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини чуқур махсус ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида, олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, тўпланган илмий маълумотлар, чиқарилган хулосалар ва амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар республикамызда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги аввало шу билан белгиланадики, унда жамият ҳаётига фаол кириб бораётган АКТнинг банклар кредит фаолиятидаги аҳамияти, уларни кредит фаолиятини такомиллаштиришдаги ўрни биринчи марта мустақил илмий мавзу сифатида

комплекс равишда тадқиқ қилинган. Илмий ишда эришилган илмий янгиликлар янада аниқроқ шаклда қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида кредит жараёнига АКТни жорий этиш масалалари моҳияти очиб берилган;

- республикамизда фаолият юритувчи ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитларнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган ва унга хос бўлган асосий тенденциялар аниқлаб берилган;

- тижорат банкларида кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятлилик даражаси ёритиб берилган;

- республикамиз тижорат банклари кредит фаолиятида АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Умумий ҳажми 99 бетдан иборат.

I бoб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА АКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг мақсади ва вазифалари

Инсоният турмуш тарзини банклар хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки банклар хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, ижтимоий сармояни қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашади ва жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади, зеро тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига кредитлар беришдан иборатдир.

Тижорат банкларининг пайдо бўлиш тарихига бағишланган илмий тадқиқотларга назар ташласак, банклар аввало биринчи навбатда кредит операцияларини бажариш зарурияти туфайли юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Аксарият муаллифларнинг қарашларига кўра, банклар товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда эмас, балки кенг кўламдаги кредит операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли пайдо бўлган. Рус иқтисодчи олими И.Трахтенберг фикрига кўра, капиталистик корхоналарнинг фаолияти кредитсиз ривожлана олмай қолган даврда, банклар, тарихий зарурият сифатида юзага келди, шаклланди³.

Дастлабки банкларнинг ходимлари шуни тушуниб етдиларки, ҳаракатсиз ётган йирик миқдордаги пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали катта миқдорда даромад олиш мумкин. Шу сабабли, кредитни бериш ва унинг қайтарилишини таъминлаш масаласи юзага келди. Дастлабки даврларда кредитлар учун гаров сифатида кемалар, товарлар, нодир металллар, уй-жойлар ва қуллардан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг юзага келиши ва ривожланишига бағишланган катор илмий тадқиқотларда банкларнинг фаолиятида мижозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш кредит операцияларидан кейин юзага келганлиги

³ Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва:Л., 1931. -.191 с.

ўз исботини топган⁴. Маълумки, кредит тўғрисидаги назариялар, жумладан, кредитнинг қиймат назарияси, капиталлашув назарияси ўтган асрнинг бошларида яратилган. Шу сабабли, мазкур назарияларда кредитдан фойдаланишнинг ҳозирги замон шароитидаги хусусиятлари инобатга олинмаган.

Мустақиллик йилларининг бошларида ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапоёси сифатида фаолият бошлаган.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши меъёрий ҳужжатлар мазмунини тубдан ўзгартириш, кредитлаш объектларига, қарз ҳисоб рақамлари ва гаров таъминоти ҳамда бошқа молия воситаларига янгича ёндошувлар ишлаб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилиши ва унинг ривожланиши республика тижорат банкларида кредит беришнинг меъёрий базасини тубдан ўзгартиришни, аниқ сиёсатга асосланган ҳолда кредит фаолиятини олиб боришни талаб этди.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг ва кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Банкнинг кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир⁵.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг

⁴ Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических стран.- Москва: Финансы, 1967. -47 с.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 905-сонли Низоми, 2000 йил 21 март.

аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Бунинг ижобий томони шундаки, кредитлаш жараёнида рисклар бўлишининг ва кредит портфелини самарали бошқариш учун кредит сиёсати зарурлиги алоҳида таъкидланган. Унинг яна бир муҳим томони шундаки, кредит сиёсати кредитлаш жараёни ва у билан боғлиқ рисклар пайдо бўлишидан олдин ишлаб чиқилиши ва рискларни юзага келишига йўл қўймаслиги ҳамда кредитлаш бўйича олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимларни тўғри ҳал қилинишига эришиш лозимлигини кўзда тутди.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма - кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари - кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишини, риск юқори бўлган операцияларнинг оқилона диверсификациясини, ўрта ва узок муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини кескин кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсат инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб - қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига камраб олган бўлиши лозим. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими - барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

2000 йилга қадар барча банкларнинг ягона кредит сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ишлаб чиқилиб, унинг ижроси юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган эди. Одатда тижорат банкларининг кредит сиёсати қуйидаги йўналишларни ўз ичига камраб олади:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Алоҳида олинган тижорат банки унинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи рискларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, социал ҳолатдан келиб чиқиб ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари керак. Шунга монанд банкларнинг кредит сиёсатининг мақсад ва стратегиялари ҳам ўз фаолият мезонларидан келиб чиқиб белгиланади.

Тижорат банклари ўз кредит сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 21 мартда ишлаб чиқилган “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом талабларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқадилар.

Ушбу Низомда қуйидаги аниқ талаблар акс эттирилди:

1. Тижорат банкининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат шаклида ишлаб чиқилиши ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланиши шарт.
2. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш юзасидан жавобгарлик банк

Бошқаруви ва Кенгаши аъзоларига юклатилади.

3. Банкнинг кредит сиёсати бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тегишли йилнинг 1 февралига қадар Кенгаш томонидан тасдиқланиши шарт.

4. Банкнинг мақоми ва жойлашган ўрнидан қатъий назар кредит сиёсатида қуйидаги масалалар ўз аксини топган бўлиши керак:

- бериладиган кредитларнинг ҳажми ва турлари;
- қисқа ва узок муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати;
- молиявий маълумотларни таҳлил қилиш тартиби;
- кредит портфелини таҳлил қилиш тартиби;
- кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш чоралари;
- кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси;
- ваколатлар даражаси ва жавобгарликнинг тақсимланиши;
- кредитларнинг турлари ва шакллари;
- кредитларнинг кредитлашни турли кўрсаткичлари бўйича қопланиши;
- кредитларни қопланиши;
- мижозлар бўйича молиявий маълумотлар;
- гаров таъминотига қўйиладиган талаблар;
- кредит мониторингига қўйиладиган талаблар;
- фоиз ставкалари;
- ўзаро дахлдор шахслар билан боғлиқ бўлган операциялар;
- балансдан ташқари моддалар;
- кредит портфелини аудит қилиш;
- банк Бошқарувига ва Кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар.

Хозирги кунда мижозларга ўзининг кенг кўламли, хилма-хил кредитларини тақдим этиб келаётган ОАТ “Алоқабанк” нинг 2013 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида унинг асосий мақсади қуйидагича белгиланган: мижозларнинг банк кредитларига бўлган эҳтиёжларини кондириш, банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини қулай

шарт-шароитларда жойлаштириш орқали даромадлилигини ошириш, акциядорларни юқори даромад олишларини таъминлаш, ликвидликни меъёр талаблари даражасида ушлаб туриш, кредит портфелини диверсификациялаш орқали таваккалчиликлар (рисклар)ни камайитириш, кредитлаш жараёниларида қонун ва қонуности меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлаш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек кредитлаш ишларини оқилона ташкил этиш, кредитлаш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳадаги банк фаолиятида етарли даражада иқтисодий ва молиявий натижаларга эришиш.

Банк мазкур сиёсий мақсадни амалга ошириш жараёнида қуйидагиларни режалаштиради⁶:

а) иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи қоплаб фойда келтирувчи, ҳамда банкнинг стратегик мақсадларига мос келувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар бериш;

б) банк мижозлари билан узоқ муддатли ўзаро фойда келтирувчи муносабатларни ўрнатиш;

в) банк амалиётида кредитлашнинг ўз-ўзини оқламаган, муваққат характерга эга ва келажаги йўқ турлари ҳамда усулларини амалда жорий этмаслик;

г) юқори сифатли банк кредит портфели ва уни самарали бошқаришни таъминлай оладиган малакали кредит ходимлари жамоасини шакллантириш.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир қисми сифатида стратегик жиҳатдан, кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа воситаларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини

⁶ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2013 йил 14 январда тасдиқланган “ОАТ “Алоқабанк”нинг 2013 йил учун Кредит сиёсати”, 58 б.

ҳамда кредитлаш жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

ОАТ “Алоқабанк” кредит сиёсатининг стратегияси қуйидагилардан иборат⁷:

- юқори сифатли активларни шакллантириш, даромадлилик ҳамда ликвидлиликини мунтазам, мақсадли даражасини таъминлаш имконини берадиган таваккалчиликка йўл қўйиш ва уни мақсадга мувофиқ бошқариш;

- ташкилотлар, корхоналар, кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар, бошқа тижорат банклари билан яқиндан ҳамкорликда бўлиб, янги хизмат турларини ишлаб чиқиб фаолият миқёсини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

- банк рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредит ресурсларини жалб этиш, жалб этилган ресурслар муддатидан келиб чиққан ҳолда кредитлаш жараёнини амалга ошириш;

- банк мижозлари билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга қўмаклашиш;

- республикамизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш мақсадида микрокредитлар ажратиш, меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз фаолиятини ташкил этиш ва кичик бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш (банкнинг ўз маблағи ҳисобидан), касаначиликни ривожлантириш мақсадида микрокредитлар ажратиш;

⁷ОАТ “Алоқабанк”нинг 2013 йил 14 январда тасдиқланган “ОАТ “Алоқабанк”нинг 2013 йил учун Кредит сиёсати”, 58 б.

➤ ёш оилаларга ипотека ва истеъмор кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

➤ корпоратив мижозлар билан ишлашни кучайтириш. Имконият доирасида кўпроқ мижозларни банкга жалб этиш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

➤ кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурларини амалга оширишда иқтисодиёт тармоқларига етарли даражада ёрдам бериб, истеъмор бозорини кенгайтириш;

➤ республика иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида жалб этилган чет эл инвестициялари ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, давлат инвестиция дастурига кирган лойиҳаларини молиялаштириш;

➤ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги иш жойларини ташкил этиш, замонавий техника ва технологияларни сотиб олиш жараёнларини кредитлаш;

➤ қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдиришга қаратилган кредитларни ажратиш;

➤ аҳолини истеъмор моллари ва маҳсулотлари билан таъминловчи савдо корхоналарининг қисқа муддатли кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

➤ ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда якка тартибда уй-жой қурилиши, реконструкция қилишни рағбатлантириш мақсадида фуқароларга узоқ муддатли кредитлар ажратиш;

➤ лизинг амалиётларини кенг тадбиқ этиш;

➤ мижозлар ўртасида дебиторлик-кредиторлик қарзларни камайитириш мақсадида факторинг амалиётлари ва мақсадли кредитлар ажратиш кўламини янада ҳам кенгайтириш;

➤ банк кредит портфели сифатини яхшилаш ва ликвидлигини таъминлаш мақсадида кредит портфелида муаммоли кредитлар улушини қисқартириш;

➤ автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш ва кунлик мониторинг ўрнатиш орқали берилган кредитлар устидан назоратни кучайтириш ва қайтарилишига тўлиқ эришган ҳолда банк кредит портфели сифатини ошириб бориш;

➤ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи кичик бизнес вакиллари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларини юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш мақсадида банк фойдасидан 25 фоизгача маблағ ажратиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ушбу маблағлар ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратишни кенгайтириш;

➤ банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш;

➤ сотиб олинadиган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларни ишлаб чиқариш, экспертиза қилиш ва сотиш.

Кредит сиёсати хизмат доирасида фойдаланадиган ҳужжат ҳисобланиб, Бошқарув аъзолари, Бош банк Кредит Қўмитаси ва жойлардаги кредит комиссияси ҳамда бевосита кредитлаш жараёни билан боғлиқ банк ходимларига ишда фойдаланиш учун берилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг кредит сиёсати банкнинг кредитлашни амалга оширишдаги мақсади ва стратегиясини, кредит бериш жараёнида банк ходимларининг ваколат даражаси ва масъулиятини, тижорат банки томонидан берилadиган кредитларнинг турлари ва тоифаси, банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиш, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб

олиш бўйича чора - тадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминотида қўйиладиган талаблар, кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифода қилиши лозим.

2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кредит жараёнига АҚТни жорий этиш масалалари

Тижорат банклари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, ривожланган бозор муносабатларини жорий этиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун фаол ёрдам берувчи реал сектордир. Шунинг учун банklar фаолиятида хизмат кўрсатиш турларини максимал даражада кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, миқдорларни комплекс ўрганиш ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлайдиган халқаро андозаларга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасида яратилган мукамал қонунчилик базаси жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори банк тизимида ҳам компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этишга имкон яратди. Банк тизимида замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши миқдорларга банк хизматининг янги турларини кўрсатиш, хизматлар самарадорлиги ва миқдорларнинг банкка бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда. Бугунга келиб мамлакатимиз банк тизимида миқдорларга пул жўнатмаларининг электрон тўловлар тизимидан фойдаланган ҳолда қисқа

вақт ичида амалга ошириш имкони яратилган, шунингдек банк мижозларига мобиль алоқа воситалари ва глобал Интернет тармоғи орқали интерактив хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган, шу билан бирга, банклар томонидан статистик маълумотларни қайта ишлаш, электрон ҳужжат айланиши, хусусан, электрон рақамли имзо технологиялари қўлланилиб келинмоқда.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири АКТ асосида банк хизматининг янги турларини кенгайтириш, АКТ соҳасига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, банк амалиётига илғор технологияларни киритишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, замонавий хизмат турларини кенгайтириш ва уларни мижозларга тақдим этиш, ушбу ишлар кўлами орқали банклар инвестиция фаоллигининг кучайиши ва капиталлашувига эришиш, молиявий-банк тизимида барқарорликни таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”⁸ деб белгилаб бердилар.

Ахборотлашган жамиятда банк тизими фаолиятига АКТни кенг жорий қилиш кўзланган вазифаларни амалга оширишнинг асосий йўлларида биридир. Бугунги кунда АКТ нафақат бизнес жараёнининг воситаси, балки бу жараённинг интеграциялашган қисми ҳисобланади.

⁸ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.- Тошкент: Ўзбекистон, -2014. -63 б.

Айни пайтда банк тизими ўз фаолиятини АКТдан айри ҳолда давом эттира олмайди. Сабаби банк ҳар куни, ҳар сонияда АКТга эҳтиёж сезади ҳамда ундан фойдаланади. Банк тизимига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши мижозларга банк хизматининг янги турларини кўрсатиш, хизматлар самарадорлиги ва мижозларнинг банкка бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Шундай хизмат турларидан бири банкнинг асосий фаолият тури ҳисобланмиш кредит фаолиятидир.

Банкларнинг муваффақиятли кредит сиёсати олиб боришининг зарурий шарти жаҳон амалиётидан маълумки, қарздорлар тўғрисида тўлиқ ахборот алмашинуви ҳисобланади. Қарздорлар тўғрисидаги тўлиқ ахборотнинг кредит бериш вақтида кредит ташкилотида мавжуд эмаслиги муддатида қайтарилмаган кредитларнинг ўсишига олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Қарздорлар тўғрисидаги тўлиқ ахборот олишнинг зарурий шарти ва асосий таъминотчиси замонавий ахборот технологияларидир. Кредит портфелининг ҳажми ва қарздорлар сони ошгани сайин банклар учун бўлажак ва мавжуд қарздорлар ҳақида тўлақонли ахборотга эга бўлиш қийинлашади. Бундай маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади, мижоз эса қисқа муддатда маблағ олишни истайди. Кредит ахборот алмашиш тизими жаҳон амалиётида мана шу зарурат туфайли юзага келган ва шу заруриятнинг ечими сифатида АКТга асосланган банк технологияларидан фойдаланилган. Зеро банк технологиялари банклар ўз фаолиятини юритишда ахборот йиғиш, ундан фойдаланиш ва уни тартибга солишда қўлланиладиган компьютер технологиялари, тизимлари, уларга ёрдамчи электрон воситалар ва дастурлар тизимидир.

Айни вақтда мамлакатимизда тижорат банклари ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган кредит хизматлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Шунга монанд ундан фойдаланувчилар доираси ҳам кун сайин ошмоқда. Мана шу жараёнда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари юзага келиши эҳтимоли бўлган хатарларининг олдини олишга

хизмат қилувчи ахборотлар, яъни мижоз фаолияти – унинг кредит тарихи, бошқа банклардан қарзи бор-йўқлиги ёки мазкур қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги, учинчи шахсларнинг кафолати, корхона бошқарувчиларининг малакаси, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборотга эга бўлишдан манфаатдорлар.

2004 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) ҳамда Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси ташкил этилди ва республикада кредит ахбороти алмашинуви тизими шаклланишига имкон яратди. Унга кўра мазкур институтга тижорат банклари ва уларнинг қарз олувчиларнинг кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш, шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит-ахборот бюроларига кредит ахбороти беришнинг механизмлари яратилди. Бу тизим, кредитор ва қарздор орасидаги ахборот бўшлиғини тўлдирган ҳолда, кредит рискин камайтириш, аҳоли ва кичик бизнесни кредитлаш ҳажмини оширишга кўмаклашувчи восита бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилди.

Ахборотлашган жамиятда электрон ҳукумат ривожланишининг ҳозирги босқичида кредит ахбороти алмашинуви тизимининг янада такомиллашувини тақозо этмоқда эди. Хусусан, кредит ахбороти алмашинуви жараёнида фақатгина банкларнинг иштироки таъминланиши билан чегараланмасдан, ушбу муносабатларга бошқа кредит ташкилотлари ва

хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб этилиши давр талабига айланди. Яъни, мазкур муносабатларда бошқа кредит ташкилотлари, жумладан, микрокредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, ломбардларнинг иштироки кўзда тутилмаган, шунингдек лизинг суғурта ташкилотларининг кредит ахбороти алмашинувида иштироки белгиланмаган эди. Шунинг учун банк тизими ҳамда нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг суғурта ташкилотларининг ҳозирги ривожланиш босқичи кредит ахбороти алмашинуви тизимини бевосита тартибга соладиган алоҳида қонун ҳужжати қабул қилишни тақозо этди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг 4 октябрида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонуни 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирди ва қарор қабул қилингунга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ўз кучини йўқотди.

Юқорида келтирилган Қонунга мувофиқ кредит ахбороти алмашинуви бўйича ҳуқуқий базанинг яратилиши ва бунинг асосида замонавий кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташкил этилиши қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ✓ кредит таваккалчилигининг камайиши;
- ✓ кредит интизомининг мустаҳкамланиши;
- ✓ кредит портфели сифатининг яхшиланиши;
- ✓ муаммоли активлар бўйича захира яратиш харажатлари камайтирилиши;
- ✓ кредит портфели ҳажмининг оширилиши;
- ✓ кредит бозорида рақобатнинг оширилиши;
- ✓ фоиз ставкаларининг камайтирилишига эриш.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими жисмоний ва юридик шахсларнинг аввал олинган кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича кафолатларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлардан ташкил топган кредит тарихини шакллантиради. Кредит тарихи эса, тизимни фаолиятга келтирувчи асосий манба ҳисобланади. Бу қарз олувчи мажбуриятлари ва уларни ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қарз олувчига молиялаш тақдим этилиши хатарини баҳолаш учун таъсир этадиган (банкротлик, суд қарорлари, муассислар таркиби) бошқа маълумотлардир. Кредит тарихи қарз олувчининг тўлов интизомини аниқлашга ёрдам беради, яъни қарз олувчи ўз зиммасидаги тўлов мажбуриятларини қанчалик тўлиқ, ўз вақтида ва мунтазам бажариши аниқланади. Шу тариқа, кредит тарихи қарз олувчининг ўзига хос нуфузини белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилади. Ижобий кредит тарихига эга қарз олувчи анча енгил шартлар асосида (қарзни таъминлашга талаблар пастлиги, сумманинг кўп ва молиялаш муддатининг узоқ бўлиши) осонлик билан қарз олиши мумкин.

Қонун 5 боб ва 32 та моддадан иборат бўлиб, уни тайёрлашда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Япония ва Ҳиндистон каби мамлакатларнинг кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги қонунчилиги таҳлил қилиниб, уларнинг ижобий томонлари инобатга олинди⁹.

Қонунда кредит ахбороти алмашинуви билан боғлиқ асосий тушунчалар, кредит бюросига лицензия бериш ва давлат рўйхатига олиш тартиби, кредит бюросини қайта ташкил этиш ва тугатиш, Марказий банк ваколатлари, кредит бюрларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредит ахборотини етказиб берувчилар ва ундан фойдаланувчилар, кредит ахбороти субъектлари, кредит ахборотини муҳофаза қилиш, ахборотлар алмашинуви ва уларни тақдим этишдаги чекловлар, кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарлик ва низоларни ечишнинг механизмлари кўрсатилган бўлсада, ушбу йўналишларни кенг

⁹ <http://www.cb.uz>

ёритадиган ва кредит ахбороти алмашинуви механизмини белгиладиган қонуности ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан Қонуннинг 12, 16, 18-24 моддаларига мувофиқ бевосита иштирокчилар ўртасида яъни Кредит ахборотининг давлат реестри (КАДР), Кредит бюrolари, кредит ташкилотлари, органлар ва ташкилотлар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро муносабатлари алоҳида тартибга солиниши лозим. Таъкидлаш лозимки айрим иштирокчилар ўз ўрнида ҳам кредит ахборотини етказиб берувчи, ҳам кредит ахборотидан фойдаланувчи мақомига эга бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатларда ҳар бир иштирокчининг мақоми инобатга оlinиши ва уларнинг иш тартиби белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 17 мартда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 74-сонли Қарори имзоланди. Ушбу Қарорда кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, кредит битимлари бўйича таваккалчиликларни камайтириш, тижорат банклари ва банк бўлмаган кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тезкорлигини ошириш мақсадида ташкилий ишларнинг бажарилиши кўзда тутилган.

Хусусан, ҳозирги кунда фаолият юритаётган Марказий банкнинг КАМИнинг қўшимча вазифалари ва масъулияти белгиланди. Марказий банкнинг КАМИ кредит ахбороти субъектларининг кредит битимлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаши, тегишли маълумотлар базасини шакллантириши ва КАДРни юритиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки КАМИ янги ташкил этилаётган кредит бюrolарига бирламчи маълумот сифатида шу бугунга қадар ўзида тўпланган маълумот базасини тақдим этиши мумкин. Ушбу тадбир янги ташкил этилган кредит бюrolар учун ўз ишини тез ва сифатли бошлаши учун имтиёз сифатида белгиланган.

Марказий банкнинг кредит ташкилотларини назорат қилиши мақсадида Кредит ахборотларининг давлат реестрида ахборотлар тўпланади ва КАМИ кредит ахбороти алмашинувида иштирок этмайди. Қарорда шунингдек, ҳозирги кунгача фаолият юритаётган Банклараро кредит бюроси негизида "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюросининг ташкил қилиниши ва унинг иш фаолиятининг тартиби белгиланган.

Кредит ахборотларининг асосий манбаи бу банклардир. Банклар кредит ахборотини етказиб берувчи мақомида ўз кредит портфелидаги мавжуд кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бўйича (гаров, кафолат, кафиллик, кредитни тўламаслик хавфини суғурталаш ва таъминотнинг бошқа турлари бўйича) мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ахбороти субъектининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборотларни "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ КАДРга ва кредит бюроларига тақдим этиши шарт.

Юқорида номлари келтириб ўтилган маълумотлар тижорат банклари томонидан КАДРга ва кредит бюроларига мамлакатимизда фаолият юритаётган "Фидо бизнес" компанияси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар ёрдамида узатилади. Ушбу жараёни амалга оширишда тижорат банклари турли хил дастурий тизимлардан фойдаланадилар. Жумладан:

- ❖ ОАТ "Алоқабанк" IABS (Integrated automated bank system) дастури ёрдамида;
- ❖ ХОАТБ "Orient Finanse bank" IS (Intelegant solution) дастури ёрдамида;
- ❖ ОАТБ "Микрокредитбанк" ASBT (Automated system of bank technology) дастури ёрдамида;
- ❖ ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" IABS дастури ёрдамида;
- ❖ ДТ "Халқ банк" IS дастури ёрдамида;
- ❖ ОАТБ "Ипак Йули" IS дастури ёрдамида;

❖ АТИБ “Ипотека-банк” ASBT дастури ёрдамида.

Ушбу дастур фаолиятини Интернет тармоғига уланган ва Microsoft Internet Explorer браузерига эга бўлган компьютер таъминлаб беради. Маълумотлар алмашинуви жараёни реал вақт давомида амалга оширилади ҳамда компьютер экрани орқали кузатиб борилади.

Кредит ташкилотлари қонунчиликда ва ўзларининг кредит сиёсатида белгиланган тартибларда ўз мижозларига кредит берадилар ва узвий равишда кредит берилиши жараёнининг барча босқичларидаги ахборотларини КАДРга ва кредит бюроларига тақдим этадилар.

Кредит ташкилотлари томонидан ўзларидаги кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотларни ва кредит ахборотини белгиланган тартибда қайд этилганидан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан КАМИ ва кредит бюроларига тақдим этишлари лозим. Ушбу меъёр КАМИ ва кредит бюроларидаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлайди. Шу билан бирга қарздор тўғрисидаги маълумотларни бошқа кредит ташкилотларига уларнинг сўровига мувофиқ қисқа муддатларда тақдим этилишига олиб келади. Зудлик билан тақдим этилган кредит ахбороти бир кун ичида бир нечта кредит ташкилотидан кредит олишни истаган фирибгар учун муҳим тўсиқ бўлиши мумкин ёки аксинча интизомли тадбиркорнинг аввалги кредитини сўндириб бир кунда шу ёки бошқа банкдан ижобий тарих билан янги кредит олишга имкон яратади.

Юборилаётган ахборотнинг тўғри ва ҳаққонийлигига бўлган талаб, тақдим этилаётган кредит ахбороти кредит ташкилотларининг кредит йиғма жилдидаги кредит ахборотига мос бўлиши билан белгиланган. Хозирги кунда кредит такилотида ҳар бир кредит шартномасида 200 га яқин маълумот (реквизит) мавжуд. Ушбу реквизитларнинг банкдаги электрон ссуда карточкаларига мос бўлиши КАМИ ва кредит бюроларига юбриладиган кредит ахборотининг тўғрилигини таъминлайди. Кредит ташкилотларининг кредит қўйилмаларини балансдаги ва КАМИдаги суммалар билан бир хил юритилиши шартлиги белгиланган. Маълумки бу амалиёт шу бугунга қадар

КАМИда қўлланиб келмоқда ва тақдим этилаётган кредит ахборотларини тўғрилигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб қолмоқда.

Иш жараёнида кредит ташкилоти томонидан тақдим этилган кредит ахборотида хато аниқланган тақдирда КАМИда ва кредит бюросининг кредит ахбороти маълумотлар базасида кредит ташкилотининг хатига асосан ушбу кредит ахборотига ўзгартириш киритилиши мумкин. КАМИ ва кредит бюроси хатолиги аниқланган кредит ахборотига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисидаги электрон баённомани тузади ва уни камида бир йил сақлайди.

Кредит бюрolari мавжуд кредит ахбороти асосида кредит ташкилотининг ҳар бир қарздори бўйича унинг охирги 5 йил (ёки юридик шахс бўлган қарздор 5 йилдан кам фаолият юритаётган бўлса — у рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб) мобайнидаги статистик, таҳлилий, молиявий-иқтисодий, ижобий ва салбий характердаги кредит ахборотини ўз ичига олувчи кредит тарихлари бўйича кредит ахбороти маълумотлар базасини ишлаб чиқади.

Кредит ахбороти алмашинуви жараёни шу соҳа иштирокчиларидан доимий фаолликни ва кредит ташкилотлари мутахассислари билан узлуксиз мулоқотни талаб қилгани ҳамда Кредит ташкилотида кредит ахборотининг мунтазам ва тўғри юборилиши бўйича масъулият ва жавобгарликни белгилаш мақсадида, Кредит ташкилотида масъул ходим махсус буйруқ билан белгиланади. Ўз ўрнида Кредит бюрolari ҳам кредит ташкилотларидан олинаётган кредит ахборотининг махфийлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган ходимлари доирасини белгилаши лозим.

Айтиш лозимки, бугунги кунда Кредит ахбороти алмашинуви кредит ташкилотлари ва потенциал мижозлар онгига тобора сингиб, кундалик ҳаётда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Бу борадаги фаолиятнинг ўзига хос жихатларини айрим рақамлар орқали изоҳлаш ўринли бўларди. Таҳлилларга караганда, 2012 йил 1 январь ҳолати бўйича кредит бюроси ахборотлар базасида 511 380 та юридик шахс ва 321 452 та жисмоний шахс тўғрисида

маълумотлар мавжуд бўлган. 2014 йилнинг 1 январига келиб, ушбу кўрсаткич мутаносиб равишда 839 007 та ва 2 778 785 тани ташкил этди. 2011 йил давомида тижорат банкларига 75000 та кредит ахбороти тақдим этилган бўлса, 2013 йил давомида ушбу кўрсаткич 382 441 тага етиб, беш баробарга ошди¹⁰. Бубанкларнинг кредит портфели сифатини яхшилашга, нисбатан юқори молиявий натижаларга олиб келди.

Бундан ташқари, самарали кредит ахбороти аламашинуви яратилиши орқали кредитлар ҳажми кўпайишига, ишончли мижозларга минимал талаблар асосида кредитлар берилишига, кредит бозорида рақобатни кучайтиришга ва фоииз ставкаларини пасайтиришга, қонунда кўзда тутилган яна бир қатор мақсадларга эришилиши таъминламоқда. Масалан, 2012 йилда берилган инвестицион кредитлар 5 760,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, қонун қабул қилинганидан сўнг — 2013 йилда 7 214,0 млрд. сўмга етган, яъни 1 453,9 млрд. сўмга кўпайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 2011 йилда 4 041,1 млрд. сўм, 2013 йилда эса 6981,6 млрд. сўм ажратилган. Ўртадаги фарқ 1 635,8 млрд. сўмни ташкил этган¹¹.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишдаги иқтисодий ислохотлар самаралари халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг ҳар йили эълон қилинадиган “Doing Business (Тадбиркорликнинг олиб борилиши)” тадқиқоти натижаси тўғрисидаги ҳисоботга кўра, мамлакатимиз “Кредитлаш” йўналиши бўйича юқори баҳоларга эришиб келмоқда. Жумладан, “Кредит ахборотининг кенглиги” индекси йил сайин ўсиб бормоқда.

Ҳолбуки, қонун кучга киришидан олдин ушбу индекс 3 баллга тенг бўлган. Кейин эса Ўзбекистон 6 имкониятдан 5 балл олишга эришди. Шунингдек, халқаро экспертлар Марказий банкнинг КАМИ фаолиятини

¹⁰ <http://www.cb.uz>

¹¹ <http://www.cb.uz>

юқори баҳолаб, айрим ривожланган давлатлар учун ўрнатилган бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Қонун қабул қилиниши муносабати билан Doing Business давлатлар рейтингда 2012 йилги кўрсаткич бўйича Ўзбекистон айнан, кредит бериш соҳасида сезиларли даражада юқори натижага эришди, яъни 168-ўриндан 154-ўринга, 2013 йилги рейтингда эса 130-ўринга кўтарилди¹².

Сирасини айтганда, республикада кредит тарихи институти халқаро стандартларга мувофиқ ривожланишида, кредит рискларининг сифатли ва тезкор таҳлил қилинишида, интизомли қарздорлар учун ўз кредит тарихларини таъминот сифатида фойдаланишида “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонун ва бу Қонунни иш жараёнини ташкиллаштириб берувчи АКТ муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг нормалари кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш, кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва кредитларнинг қайтарилмаслиги ҳолатлари олдини олиш имкониятини бермоқда.

Бугунги кунда кредитлаш жараёнига АКТни жорий этиш ва такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган қонуний лойиҳалардан бири бу “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

Миллий қонун ҳужжатларимиздаги мазкур янгилик кредитлар, қарзлар ва ссуда маблағлари олишни соддалаштириш орқали кичик бизнес ва аҳолининг молиялаштиришдан баҳрамандлик даражасини оширишга қаратилгандир.

Бир шахс бошқа шахсга ўз мол-мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни зиммасидаги мажбуриятларни таъминлаш учун бериши мумкин. Бошқача айтганда, мажбуриятларнинг бажарилиши гаров йўли билан таъминланади. Бироқ амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бир шахс ўз мол-мулкини бир неча мажбуриятларни бажариш мақсадида кўп марта гаровга қўяди. Натижада аксарият ҳолларда кредиторлар қарздорнинг мол-мулки бошқа жойда ҳам гаровга қўйилганидан бехабар қолади. Қарздор ўз

¹² <http://www.cb.uz>

мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредиторлар ўртасида қарзни ундиришнинг кетма-кетлигини белгилашда айрим мунозаралар пайдо бўлади. Бундай вазиятлар келиб чиқишининг олдини олишда "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 19 июлда қабул қилинган ва 18 моддадан иборат бўлиб, унинг кучга кириш санаси 2014 йилнинг 1 июль куни деб белгиланган¹³.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади кредит, қарз ва бошқа молиявий операцияларни расмийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, мол-мулкни гаровга қўйган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатаётган кредиторларнинг хатарларини камайтириш эвазига кичик бизнес субъектларини молиялаштиришни кенгайтиришдан иборат.

Гаров реестри кредиторларнинг гаров таъминотига ҳуқуқи тўғрисида ягона очиқ тизим сифатида кредитлаш шартномаси тарафлари ва бошқа манфаатдор шахслар учун гаровга қўйилган мол-мулк ҳақида ахборотнинг ишончли манбаига айланиши мумкин. Ишларнинг ҳозирги ҳолатида кредит муносабатларининг тарафлари амалда мол-мулкни қайта-қайта гаровга қўйиб, унинг қийматини кўп карра ошириш ҳолатларидан ҳимояланган эмаслар. Кредиторларда бу ҳақда ахборотнинг ва ундиришга қаратилганда уларнинг гаровдаги мол-мулкка доир ҳуқуқларини қондириш кетма-кетлигини белгилаш имкониятининг йўқлиги эса кредит хатарларини оширади. Бу эса, ўз навбатида, кредит бериш муддатлари ва шартларида акс этмасдан қолмайди.

Гаров реестрининг ўзи эса интернетда фойдаланиш имконияти билан бирга ҳамма фойдалана оладиган маълумотларнинг электрон базасидир. Унда мол-мулк барча турларига гаров мажбуриятлари солиниши тўғрисидаги ахборот мавжуд. Маълумотларнинг ушбу базасини ихтисослашган ташкилот

¹³ Гаров реестри: он-лайн йўли билан рўйхатга олиш шарофати // "Норма маслахатчи" газетаси. -2013. -№40. -5 б.

олиб боради, унинг зиммасига ахборот йиғиш ва жойлаштириш вазифаси юкланади. Реестрдан ҳар бир авторлаштирилган фойдаланувчи фойдаланиши мумкин. Чунончи, интернет орқали гаров реестри сайтига кириш, унда авторлаштирилган фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтиш ва гаров реестридан фойдаланиш шартномасини тузиш мумкин. Бу ҳол фойдаланувчига бирор-бир мол-мулк гаровга қўйилганлиги тўғрисида ахборот олиш имкониятинигина бериб қолмайди. Агар фойдаланувчида бирор-бир мол-мулкка доир ҳуқуқ бўлса, у гаров реестрига тегишли ёзув киритиш, ундан ўз хоҳишига кўра илгари киритилган ёзувларни ўчириш, шунингдек, ҳисоботлар бўйича кўчирмалар олишга ҳам ҳақлидир. Ушбу ёзувлар автомат равишда гаров реестрига киритилиб, ёзувнинг ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами, киритиш санаси ва вақти қайд этилади.

Ёзув қарздор мол-мулкининг баёни, шунингдек, берилган параметрлар бўйича қарздорнинг ўзи ва унинг кредитори тўғрисидаги ахборотдан иборат. Гаров реестрининг оммавийлиги айти ҳар бир фойдаланувчининг у ёки бу мол-мулк тўғрисида зарур ахборотни излаб топа олиши ва реестр маълумотлари базасидаги унинг мажбуриятлари билан таъминланади. Бунда қарздорлик СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами), гаров реестридаги ёзув рақами, мол-мулкнинг серия рақами ва бошқалар мезон бўлиши мумкин. Манфаатдор шахсларга алоҳида ҳақ эвазига излаш натижалари электрон ёки қоғоз шаклида кўчирма сифатида берилиши мумкин¹⁴.

Шуниси ибратлики, гаров реестрига ёзув киритиш учун қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди, бироқ илгари киритилган хабарномани ўзгартириш ёки уни тугатиш учун ундан фойдаланувчи қарздорнинг розилигини албатта олиши керак. Ушбу розилик икки усул билан расмийлаштирилади: ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзидда, бунда

¹⁴ Гаров реестри: муваффақиятли кредитлаш учун ҳамкорлик // Банк ахборотномаси. – 2013. - №17-18. – 12-13 б.

розиликни расмийлаштириш санаси, шунингдек, қарздор ва унинг мол-мулки маълумотлари кўрсатилади.

Бунда қарздор реестрда қайд этилган ахборот ишончли эмас деб ҳисоблайдиган, кредитор эса уни ўзгартириш, тўлдириш ёки ўчиришдан бош тортадиган вазият юзага келиши мумкин. Бу ҳолда қарздор гаров реестрига ўзининг эътирозлари билан шарҳловчи ёзув киритишга ҳақли. Айни шу нарса хабарнома ва унга доир шарҳларни бир ёқлама талқин қилишнинг олдини олиши керак.

Қарздор мажбуриятини тўлиқ бажаргандан кейин, шу муносабат билан гаров реестрига ёзув киритилган ёки суд ушбу ёзувни ҳақиқий эмас деб топганда, кредитор ушбу ёзувни ўчириши шарт.

Шуни қайд этиш муҳимки, “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси кредитлаш жараёнини енгиллаштириш ва республикада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун зарур бўлган, гаровга қўйилган мол-мулк тўғрисидаги ахборотни йиғиш бўйича фаолиятни тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган. У шунингдек, кредитлаш бозоридаги суистеъмолликлар қилиш ҳолларининг олдини олиш имконини беради ва ҳалол қарз олувчи тадбиркорларга кенг имкониятлар очади. Мазкур қонуннинг амалдаги фаолиятини ахборот технологиялари таъминлаб, у билан боғлиқ устиворликларни тартибга солишга имконият яратади.

I боб бўйича хулоса:

– тижорат банклари ўз кредит сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 21 мартда ишлаб чиқилган “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом талабларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқадилар;

– тижорат банкининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат шаклида ишлаб чиқилиши, Банк кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тегишли йилнинг 1 февралига қадар Кенгаш томонидан тасдиқланиши шарт;

– банкларнинг муваффақиятли кредит сиёсати олиб боришининг зарурий шарти, қарздорлар тўғрисида тўлиқ ахборот алмашинуви ҳисобланади. Қарздорлар тўғрисидаги ягона электрон базани яратиш мақсадиди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг КАМИ ҳамда Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси ташкил этилди;

– қарздорлар тўғрисидаги тўлиқ ахборот олишнинг зарурий шарти ва асосий таъминотчиси замонавий ахборот технологияларидир;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг 4 октябрида кредит ахбороти алмашинуви тизимини бевосита тартибга соладиган алоҳида қонун ҳужжати-Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирди;

– бугунги кунда кредитлаш жараёнини янада такомиллаштириш ва бу жараёнга АКТни кенгроқ жорий этиш мақсадида олиб борилаётган қонуний лойиҳалардан бири бу “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Мазкур қонун 2013 йил 19 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг кучга кириш санаси 2014 йилнинг 1 июль куни деб белгиланган.

II бoб. OAT “AЛOҚAБAHK”HИHГ KPEДИT ФAOЛИЯТИ TАҲЛИЛИ

1. OAT “Aлoқaбaнк”нинг рeспубликaмиз иқтисoдиётини ривoжлaнтиришдaги ўрни

Иқтисoдиётнинг ривoжлaниши вa тaкoмиллaши нaтижaсидa бугунги кундa мaмлaкaтимиздa фaолият юритaётгaн бaнкларнинг рoли тoбoрa oртиб бoрмoқдa. Сaбaби ҳeч бир хўжaлик юритувчи субъект ўз фaолиятини aмaлгa oшириши жaрaёнидa бaнк хизмaтини чeтлaб ўтиб фaолият юрита oлмaйди вa бaрчa ҳисoб-китoбларни бaнк oрқaли aмaлгa oширaди. Шу сaбaбли бaнк тизимини мустaҳкaмлaш уларнинг эркинлигини oшириш йўлидa ислоҳoтларгa ҳукумaт миқёсидa кeнг эътибoр бeриб кeлинмoқдa.

Ҳукумaтимиз тoмoнидaн ишлaб чиқилгaн вa ишлaб чиқилaётгaн қoнун вa қoнун oсти хужжaтларни буларнинг исбoти сифaтидa кeлтиришимиз мумкин. Иқтисoдиётнинг рeал сектoри ҳисoблaнгaн бaнк тизимидa ўткaзилaётгaн ислоҳoтлар нaфaқaт бaнкларнинг, бaлки бутун иқтисoдиётнинг бaрқaрoрлигини тaъминлaшгa aсoс бўлaди.

Бугунги кундa мaмлaкaтимиздa турли мулкчилик шaкллaригa aсoслaнгaн 28 дaн oртиқ тижoрaт бaнклари фaолият кўрсaтиб кeлмoқдa. Уларнинг ҳaр бирининг мaмлaкaтимиз иқтисoдиётидa тутгaн ўрни ўзгaчaдир.

Шундaй тижoрaт бaнклардaн бири, жaдaл суръaтлар билaн ривoжлaнaётгaн, OAT “Aлoқaбaнк”дир. Oчиқ aкциядoрлик-тижoрaт “Aлoқaбaнк” Ўзбeкистoн Рeспубликaси Вaзирлар Мaҳкaмaсининг 1994 йил 12 oктябрдaги “Ўзбeкистoн Рeспубликaси тeлeкoммуникaция тaрмoқларини ривoжлaнтириш, рeкoнструкция қилиш вa уларнинг иш сифaтини яхшилaш чoрa-тaдбирлaри тўғрисида”ги 502-сонли Қaрoригa aсoсaн, aлoқa кoрхoнaларигa, кичик вa ўртa бизнec субъектларигa мoлиявий кўмaк бeриш мaқсaдидa тaшкил қилингaн.

OAT “Aлoқaбaнк” унивeрсaл-тижoрaт бaнк сифaтидa:

- 2012 йил 10 мaртдa Ўзбeкистoн Рeспубликaси Мaркaзий бaнкининг 8-A/2-сонли бaнк aмaлиётларини aмaлгa oшириш лицензияси (30.04.2009

йилдаги, 13.08.2004 йилдаги, 23.06.2001 йилдаги ва 22.04.1995 йилдаги 48-сонли лицензияларга алмаштирилган);

- 2012 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 55-сонли хорижий валютада амалиётларни амалга ошириш ҳақидаги Бош лицензияси (30.04.2009 йилдаги 42-сонли, 29.01.2005 йилдаги 7-сонли, 07.12.2001 йилдаги 54-сонли ва 21.08.1996 йилдаги 38-сонли лицензияларга алмаштирилган) асосида фаолият кўрсатмоқда.


Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли очиқ акциядорлик тижорат банки бўлиб, бугунги кунда банк акциядорлари 3 902 тани ташкил этади. Шундан, 682 нафари юридик шахслар, ҳамда 3 220 нафари жисмоний шахслардан иборатдир.

Банк акциядорлари сафидан бир қатор нуфузли компаниялар, ташкилотлар ва қўшма корхоналар ўрин олган (1-расм).

Бугунги кунда ОАТ “Алоқабанк”нинг инфраструктураси ўз ичига:

- пойтахт амалиёт бошқармаси ва 13 та ҳудудий филиалларни;
- хусусий ва кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек аҳолининг кенг қатламига банк хизматлари кўрсатишни географик кенгайтириш мақсадида ташкил этилган 22 та минибанкни;
- республикамиз бўйлаб алоқа хизматлари, коммунал ва бошқа тўловлар қабул қилиш, шунингдек аҳоли омонатлари бўйича амалиётлар ўтказиш учун ташкил қилинган банкнинг 95 дан ортиқ операцион кассасини;
- 39 та валюта айирбошлаш шохобчаларини;
- пул ўтказмаларини амалга ошириш учун 45 та халқаро пул ўтказиш шохобчаларини қамраб олади.

Банк халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар ва аҳолига кенг кўламдаги сифатли молия хизматларини кўрсатиб келмоқда.




1-расм. ОАТ “Алоқабанк” акциядорлари¹⁵

Банкнинг асосий йирик мижозларини ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳаси корхоналари ташкил этади: жумладан: Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси; Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси; “Ўзбектелеком” АК; “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ; Электромагнит мослашув маркази; “Матбуот тарқатувчи” АК; Давлат алоқа инспекцияси; Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Жамғармаси; Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва бошқалар.

¹⁵ОАТ “Алоқабанк” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги, қурилиш, текстил саноати, суғурта компаниялари, савдо ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарига банк ўзининг хизматларини кўрсатиб келмоқда.

ОАТ “Алоқабанк”нинг кўп йиллик иш тажрибаси, молиявий сиёсати, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда инновацион ёндашув мижозларнинг банкка бўлган ишончини доимий равишда ошириб бормоқда ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Шу кунга қадар банк куйидаги 2-расмда келтирилган йирик ташкилотларга аъзо бўлган.



2-расм. Банк аъзо бўлган ташкилотлар¹⁶

Банк ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатишнинг асосий тамойиллари доимий конструктив диалог, уларнинг муаммоларига ва эҳтиёжларига эътибор қаратиш, тезкор самарали қарорлар қабул қилиш ва ахборотларнинг ошкоралиги ҳисобланади. Муносабатларининг ўсиши ва ривожланиши банк ва мижознинг молиявий ҳолати билан изоҳланади.


¹⁶ ОАТ “Алоқабанк” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини кенгайтириши ҳисобига мижозлар базаси ҳисобот санасига 177 350 тани ташкил этди. Мижозлар базасини таркиби қуйидагилардан иборат:

- юридик ташкилотлар – 6 235 та;
- юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар – 4 748 та;
- аҳоли омонатчилари – 38 047 та;
- пластик карточкалардан фойдаланувчилар – 126 490 та;
- VISA халқаро пластик карточкалардан фойдаланувчилар – 1 830 та.

Корпоратив мижозлар билан ишлаш ОАТ “Алоқабанк”нинг муҳим ва мунтазам ривожланиб боровчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Банк томонидан таклиф этиладиган кенг кўламдаги хизматлар, юқори профессионализм ва банк ходимларининг банк соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаси, шу қаторда корпоратив мижозларга ҳам кўрсатиладиган банк операциялари фойдасининг ошишига ёрдам бермоқда. ОАТ “Алоқабанк”нинг ижодкор иши, ҳам миллий рейтинг Агентлиги “Ахбор-рейтинг”, ҳам машҳур халқаро рейтинг агентлиги “Moody’s” томонидан тан олинган.


ОАТ “Алоқабанк” ўзининг бутун фаолияти давомида молиявий бозордаги ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга интилиб бормоқда. ОАТ “Алоқабанк” капитал базаси юқори бўлган банклардан бири ҳисобланади ва шунга мос равишда банк капиталининг мослиги бўйича барча талабларни бажармоқда. Банк учун энг муҳим устуворлик ва ривожланиш стратегиясининг муҳим йўналиши, бу – капитал базасининг турғунлигини таъминлашдир. 2012 йилда банкнинг умумий капитал ҳажми 105,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса олдинги йилга нисбатан 25,6 миллиард сўмга ортиқ ёки унга нисбатан 32% ни ташкил этади. Банк капитали сўнгги 5 йилда 3 мартага ортиди. Буни қуйидаги 3-расмда кўришимиз мумкин.



3-расм. Банкнинг шахсий капитали динамикаси¹⁷ (млрд.сўм)

2012 йил 1 январ ҳолатига кўра банк активлари 629 миллиард сўмни ташкил этади, бу эса ўтган ҳисобот даврига нисбатан 141 миллиард сўмга ортиқ ёки унга нисбатан 28,9%ни ташкил этади. Охириги беш йилда банк активлари 3 марта ортиди. Банк активларини келгусидаги стратегик юналишларни аниқлаш йўли орқали бошқаришда молиявий турғунликни таъминлаш, фойда ва ликвидликнинг мақбул даражаларига етишиш, шунингдек банк хавф-хатарларини рационал бошқаришга амал қилинди.

Қуйидаги 4-расмда ОАТ “Алоқабанк”нинг 2008-2012 йиллардаги активлар динамикаси келтирилган.



4-расм. Активлар динамикаси¹⁸ (млрд.сўм)

¹⁷ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ОАТ “Алоқабанк” нафақат ўз турғунлигини сақлаб қолди, балки баъзи позициялар бўйича динамик ўсишларларга эришди. Катта ҳажмдаги маблағларни рақобатбардош, ички бозорда талабга эга бўлган ва экспорт бўйича талабларга жавоб берувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг реал сектори мижозларини қўллаб-қувватлашга йўналтирди.

ОАТ “Алоқабанк” республика қимматли қоғозлар бозорининг фаол катнашчиси ҳисобланади. Ҳисобот санасига (31.12.2012 йил) банкнинг қимматли қоғозларга ва корхоналар устав фондига йўналтирган инвестицияларининг умумий миқдори 9,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг инвестиция портфели таркибида акциядорлик жамиятларининг акцияларига йўналтирилган маблағлар 2,2 млрд. сўмни, тижорат банкларининг қимматли қоғозларига йўналтирилган маблағлар 2,0 млрд. сўмни, масъулияти чекланган жамиятлар устав фондига йўналтирилган маблағлар 5,1 млрд. сўмни ҳамда жамоат фондлари устав фондига йўналтирилган маблағлар 0,05 млрд. сўмни ташкил этади.

2012 йил давомида банк томонидан корхоналарнинг қимматли қоғозларига ва устав фондига йўналтирилган инвестициялардан 1,5 млрд. сўм миқдорида даромад олинди.

Банкнинг мустаҳкам ресурслар базасини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда юридик шахслар учун депозит сертификатлар, корпоратив облигациялар ҳамда жисмоний шахслар учун жамғарма сертификатлари каби қимматли қоғозлари чиқариб келинмоқда.

2012 йил давомида банк томонидан 100 млрд. сўмлик депозит сертификатлар ҳамда 3,0 млрд. сўмлик узоқ муддатли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилиб инвесторлар ўртасида тўлиқ жойлаштирилди.

¹⁸ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига банк томонидан жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг умумий қолдиғи 61,2 млрд. сўмни ёки банкнинг жами мажбуриятларининг 7,3 фоизини ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Корхоналарга киритилган инвестициялар таркиби¹⁹

№	Корхоналар номи	Млн.сўм	Салмоғи, (%)
1	“Ўзбектелеком” АК	203,7	2,8
2	“Алском” СК	1197,7	16,3
3	“Uzdigital TV” МЧЖ	491,8	6,7
4	“Elxolding” МЧЖ	2 125,0	28,9
5	“Nano lizing” МЧЖ	1 200,0	16,3
6	“Markaziy ippodrom” ОАЖ	767,0	10,4
7	“Агротехсервис” Корхонаси	594,3	8,1
8	Қишлоқ хўжалиги корхоналари	300,0	4,1
9	“SVYAZSOORUJENIYA STROY” МЧЖ	100,0	1,3
10	Бошқа корхоналар	374,8	5,1
	Жами	7354,3	100

ОАТ “Алоқабанк” миждозларга кенг кўламда сифатли банк хизмати кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратади. Шу сабабли банк ҳисобот йили давомида вакиллик муносабатлари тизимини такомиллаштириш, вакиллик муносабатлари ўрнатилган банклар билан ўзаро иқтисодий манфаатли тамойиллар асосида ҳамкорлик олиб бориш борасида ишларни давом эттирди.

Халқаро нуфузли JP Morgan Chase Bank (АҚШ), Commerzbank AG (Германия), Райффайзен банк (Россия), Русславбанк (Россия), Заминбанк (Азербайжон), Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки, Ўзсаноатқурилишбанк каби ишончли, молиявий барқарор банклар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттириб келмоқда.


Валюта амалиётлари бўйича 2012 йил 31 декабр ҳолатига 142 340 та миждозларга, жумладан 602 та юридик ва 141 738 та жисмоний шахсларга банк хизмати кўрсатилди.

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида.

Ҳисобот даври давомида валюта маблағларининг экспорт тушуми 169,2 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиб, 50 фоиз мажбурий сотув 77,0 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида амалга оширилган.

Банк томонидан 2012 йил 31 декабр ҳолатига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали умумий 128,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди.

Банк валюта назорати агенти сифатида 2012 йил давомида мижозлар экспорт-импорт шартномалари устидан назорат олиб бориш ишларини давом эттирди. 2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра, умумий суммаси 872,3 млн. АҚШ доллари миқдорида 448 та экспорт шартномаси ҳамда умумий суммаси 1 073,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1 461 та импорт шартномалари устидан тўлиқ назорат олиб борилди. 5-расмда банк томонидан 2008-2012 йилларда экспортдан олинган тушум динамикаси келтирилган.




5-расм. Экспорт тушумиди намикаси²⁰ (млн. АҚШ доллари)

ОАТ “Алоқабанк” ўз тўлов тизимини такомиллаштириш, замонавий банк технологияларини қўллаш, шу жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

2012 йилда банк пластик карточкаларини эмиссия қилиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 135,6 фоизга ошди ва 126 940 тани ташкил қилди. ОАТ

²⁰ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Алоқабанк” мижозлар сонини ошириш билан бирга хизматлар тармоғини ҳам кенгайтириб бормоқда. 2012 йилда ОАТ “Алоқабанк” ўзининг терминаллари тармоғини 109,6 фоизга ошириб, терминаллар сонини 3 180 тага етказди. Иш ҳақи лойиҳалари доирасида корпоратив мижозлар билан ишлаш банкнинг пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Банкнинг корпоратив мижозлар иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш учун пластик карточкалар ҳисобрақамларига ҳисобот даврида 120,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Банк ўзининг маҳсулотларини нафақат корпоратив мижозлар учун, балки унинг ходимлари учун ҳам фойдали эканлигини исботлади. 6 ва 7-расмларда банк пластик карточкалари ва терминаллари динамикаси келтирилган.




6-расм. Пластик карточкалар динамикаси²¹ (дона)

Банк савдо эквайрингини ривожлантириш бўйича ҳам ижобий натижаларни кўрсатди. 2012 йилда эквайринг ҳажми 250,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 118,2 фоизга ошди.

ОАТ “Алоқабанк” олдида турган вазифаларни ечишнинг зарурий шарти ахборот технологияларни ривожлантириш – автоматлаштиришнинг янги сифат босқичига чиқиш, телекоммуникация инфратузилмаси ва техник воситалар комплексини такомиллаштириш ҳисобланади.

²¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



7-расм. Терминаллар динамикаси²² (дона)

Банк дастурий таъминот ва ахборотларни сақлаш тизимларини босқичма-босқич бир хиллаштиришга, барча тизим ва иловаларнинг ишончли, барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланган шароитда ягона ахборот майдонини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу сабабли, ахборот технологияларини ривожлантириш тадрижий йўл билан амалга оширилади - амалдаги автоматлаштирилган банк тизимлари сақлаб қолинади, яъни, банк кўламида ягона бўлган технологик ечимлар уларнинг атрофида яратилади.

Мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш стратегиясини амалга ошириш доирасида, шуниндек пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ошириш учун банкда “Банк-Мижоз”, “СМС-Банкинг” ва “Интернет-Банкинг” тизимларини ўз ичига олган бир бутун технологик мажмуа муваффақиятли ишлаб турибди. Амалдаги банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари “Интернет-банкинг” ва “Мобил-банкинг” дастурларидан фойдаланувчи корпоратив мијозлар сони 2013 йил 1 январь ҳолатига 2423 тани ташкил этди. Жисмоний шахслар омонатларининг ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар бўйича мијозларга СМС-ахборотлар юбориш йўлга қўйилди. Онлайн режимида ишловчи пластик карточкалар тизимининг SMART VISTA дастури ва шу орқалипластик карточкалар

²² ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳисобрақамларидаги ҳаракатлар бўйича СМС-ахборотлар юбориш амалиётга татбиқ этилди.

Халқаро тўловларни амалга ошириш бўйича SWIFT (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunications -халқаро банклараро телекоммуникациялар жамияти) дастурий комплексининг янги 7.0 версияси татбиқ этилди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, кредитлар, пул муомаласи бошқармаларининг статистик ҳисоботларини ва қимматли қоғозлар бўлими депозитарий ҳисоботларини электрон кўринишда узатиш йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида бошқарма замонавий АКТларини банк фаолиятига татбиқ этиш юзасидан маълум ишлар бажарилиб, банк бошқарувига банк ахборот хавфсизлигини юқори даражада таъминловчи, жаҳон стандартларига мос замонавий телекоммуникацион комплекс лойиҳаси таклиф этилди. Бунда банк компьютер тармоғини коммутациялаш ва маршрутларни аппарат даражасида бошқариш имкониятини берувчи тармоқлараро ҳимоя экранларидан фойдаланиш назарда тутилган бўлиб, маълумотлар узатилиши “нуқта” - “нуқта” усулида амалга оширилади. Ушбу тизимнинг афзаллиги тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан бирга унинг ахборот узатишдаги, шифрлашдаги, қайта ишлашдаги тезкорлиги юқорилигидадир.

ОАТ “Алоқабанк” ривожланиш стратегиясига мувофиқ, инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатишни кенгайтириш кўзда тутилган.


Банк томонидан кўрсатилиб келинаётган кенг кўламли хизмат турларидан яна бири бу банк омонатларидири бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида энг эҳтиёж талаб инвестициялардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, инсоннинг ўзига инвестиция қилиш каби туридан фойдаланишнинг соддалаги ва осонлиги билан изоҳланади.

Ушбу яққол кўзга ташланиб турадиган афзалликлар билан бирга ОАТ “Алоқабанк” ўз омонатчиларига қўшимча қулайликларни яратмоқда. У омонатларни сақлашнинг қулай шарт-шароитларини яратган ҳолда кизиқарли, долзарб ва рақобатбардош омонатларни таклиф этмоқда. Охири

йилларда уларнинг турлари анчага ошди, бунинг натижасида ҳар бир мижоз, унинг даромади миқдори ва молиявий имкониятларидан қатъий назар ўзига маъқул бўлган индивидуал ва самарали омонат дастурини топади.

Амалга оширилган ишлар натижасида, 2012 йил 31 декабр ҳолатига банк бўйича аҳоли омонатлари қолдиғи 95,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,6 млрд. сўмга ёки 31 фоизга ўсган.

Қуйидаги 8-расмда ОАТ “Алоқабанк”нинг 2008-2012 йиллардаги аҳоли омонатларининг динамикаси келтирилган.



8-расм. Аҳоли омонатларининг динамикаси²³(млрд.сўм)

Турли ижтимоий қатламлардаги мижозларнинг манфаатларига мос келувчи бундай узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган депозит сиёсати ижобий натижаларни бермоқда.

2. ОАТ “Алоқабанк” кредит фаолиятининг амалий ҳолати таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг маҳсулот ва хизматларига талаб мавжуд экан, бу уларнинг фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Тижорат банклари ривожланиш стратегиясида асосий йўналиш сифатида эътиборларини кредит фаолиятига қаратадилар. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётганлигини эътиборга олган

²³ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳолда, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда, муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда: “Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик”²⁴. Зеро, тижорат банклари кредит фаолиятини ўзларининг иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки банклар даромадга эга бўлмасдан туриб самарали фаолият кўрсата олмайдилар. Хусусан, шундай тижорат банкларидан бири ОАТ “Алоқабанк” ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур банк ўз кредит фаолиятини ҳар йили январ ойида Банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган кредит сиёсати асосида амалга оширади. Бугунги кунда ОАТ “Алоқабанк” мазкур кредит сиёсатига асосан юридик ва жисмоний шахсларга ўзининг жозибадор кредит турларини таклиф этиб, миқдорлар талабини қондириб келмоқда (1-илова).

Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредит миқдори банк активлари ичида энг юқори салмоқга эга бўлган кўрсаткичдир (2-жадвал).

Жадвал маълумотлари асосида ОАТ "Алоқабанк"нинг жами активларини таҳлил қиладиган бўлсак, банк жами активлари 31 декабр 2012 йил ҳолатига кўра 594626 млн. сўмни ташкил этади ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 135389 млн. сўмга ёки 129 фоизга ортганини кўришимиз мумкин. Банк жами активлари таркибида 31 декабр 2012 йилга кўра энг йирик улуш кредит қўйилмаларига тегишли. Жами кредит қўйилмалари 365027 млн. сўм (61 фоиз)ни ташкил этади ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105950 млн. сўм ёки 141 фоизга ортган.

²⁴Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент, Ўзбекистон. 2013. -42 б.

ОАТ "Алоқабанк" активлари таҳлили²⁵ (31 декабр ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		Фарқи	
		Млн.сўм	Сал-моғи, (%)	Млн.сўм	Сал-моғи, (%)	Ўсиш даражаси, млн.сўмда	Ўзгариши, (%)
1	Нақд пуллар	11 625	3	13 327	2	1 702	115
2	ЎЗРМБдан ва бошқа банклардан олиниши керак бўлган пуллар	69 531	15	87 332	16	17 801	126
3	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар	13 000	3	2 000	0	(11 000)	15
5*	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	259 077	56	365 027	61	105 950	141
6	Молияви йижара (соф ҳолда)	45 514	10	38 900	7	(6 614)	85
7	Шўъба ва қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар	7 292	2	7 354	1	62	101
8	Асосий воситалар	32 751	7	48 191	8	15 440	147
9	Номоддий активлар	307	0	267	0	(40)	87
10	Бошқа активлар	20 140	4	32 228	5	12 088	160
Жами активлар		459 237	100	594626	100%	135389	129

*эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳиралар чегирилган ҳолда, соф кредит ва бўнақлар келтирилган.

Салмоғ жиҳатидан кредитлардан кейинги ўринни Марказий Банк ва бошқа тижорат банкларидан олиниши керак бўлган пул маблағлари эгаллаб турибди. Унинг ўсиши 126 фоизга яъни, олдинги 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 17801 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Ўсиш суратларига эга бўлган кўрсаткичлар билан бир қаторда, баъзи бир кўрсаткичлар 2012 йилда 2011 йилга нисбатан камайиши кузатилган. Яъни, олди-сотди учун қимматли қоғозлар, молиявий ижара ва номоддий активлар мос равишда 11 000, 6 614 ва 40 млн. сўмга камайган. Лекин ушбу

²⁵ ОАТ "Алоқабанк"нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

камайтишлар банк активлари ўсишининг умумий қийматига салбий таъсир кўрсата олмаган. Демак активларнинг ортганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Банк ўз кредит сиёсатига асосан, кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб боради. Бунга сабаб, кутилаётган хатар даражасини аниқлашдир. Тижорат банкларида кредитнинг хатар даражаси таснифланиб, улар қуйидаги сифат жиҳатдан 5 тоифага бўлинади:

❖ Яхши кредитлар. Бу ўз вақтида қайтарилиш имкониятига эга бўлган кредитлар бўлиб, қарз олувчини молиявий таъминоти юқори ҳисобланиб, етарлича ўз маблағларига эга бўлади.

❖ Стандарт кредитлар. 30 кундан 60 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар ва тўла таъминланмаган 30 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар киради.

❖ Субстандарт кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган 60 кундан 180 кунгача муддати ўтган кредитлар киради ва 30 кундан 60 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган кредитлар ва 30 кунгача таъминланмаган муддати ўтган ссудалар киради.

❖ Шубҳали кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган, лекин қарз муддати 180 кундан ўтган ва тўла таъминланмаган қарз муддати 60 кундан 180 кунгача бўлган ва 30-60 кунгача бўлган умуман таъминланмаган ссудалар тегишли бўлади.

❖ Умидсиз кредитлар. Бу кредитлар қарз муддати 180 кундан ўтган ва 60-180 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган қарзлар киради.

Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳиралар, хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитларни таҳлил этиш ва банкнинг хатар даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида ташкил этилади. Банк амалдаги тартибдан келиб чиқиб, ҳар бир ҳисобот ойининг биринчи кунида заҳира ҳажмини ҳисоблайди.

3-жадвалда ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитлар қолдиғи ва ажратилган заҳиралар суммалари келтирилган.

ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитларнинг
сифат жиҳатдан таснифи²⁶ (31 декабр ҳолатига)

№	Кредитлар сифати	Берилган кредитлар қолдиғи					Ажратилган захира (млн.сўмда)	
		2011 йил		2012 йил		Фарқи, (+;-)	2011 йил	2012 йил
		Млн.сўмда	Салмоғи %	Млн.сўмда	Салмоғи %			
1	Яхши	301 895	98,78	382 304	94,11	80 409	-	-
2	Стандарт	1 338	0,43	20 477	5,04	19 139	137	1 305
3	Субстандарт	1 632	0,53	3 218	0,79	1 586	408	805
4	Шубҳали	608	0,2	73	0,01	-535	337	36
5	Ишончсиз	129	0,06	151	0,05	22	129	151
Жами		305 602	100	406 223	100	100 621	1011	2 297

Банк кредит портфелини сифат жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йил ҳолатига кўра банк томонидан берилган жами кредитлар суммаси 406 223 млн. сўмни ташкил этади ва бу 2011 йилга нисбатан 100 622 млн. сўмга ёки 133 фоизга ортган. Банк кредит портфелида яхши деб таснифланган кредитлар 2011 йил ҳолатига кўра 301895 млн.сўмни ва жами кредитларнинг 98,78 фоизини, 2012 йил ҳолатида эса ушбу кўрсаткич 382304 млн сўмни ёки 94,11 фоизни ташкил этган ва кредитнинг ушбу тури учун захира ташкил этилмаган. Сабаби яхши кредитлар қарз олувчилар томонидан ўз вақтида қайтарилади. Қайтарилиш этимоли катта бўлган кредитлар салмоғининг юқорилиги шундан далолат берадики, банк кредит ажратаётганда мижознинг молиявий ҳолатини атрофлича таҳлил қилиб, уларни эҳтиёткорона танлаган.

Стандарт деб таснифланган кредитлар 2012 йилда 20 477 млн. сўмни ташкил этган ва уларга 1 305 млн. сўм захира ташкил қилинган. Жадвал маълумотидан кўришимиз мумкинки, стандарт кредитларга ажратилган захиралар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1 168 млн. сўм юқори. Сабаби 2012

²⁶ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йилдага стандарт кредитларнинг умумий кредитлар салмоғидаги улуши 2011 йилга нисбатан бирмунча юқори. Яъни, 2011 йилда стандарт кредитлар умумий кредитларнинг 0,43 фоизини ташкил этган бўлса, 2012 йилда 5,04 фоизни ташкил этмоқда. Гарчи ушбу кўрсаткич юқори бўлишига қарамай яхши кредитлар салмоғ жихатдан ўз юқорилигини сақлаб қолган.

2012 йилда субстандарт тоифали кредитлар 3 218 млн. сўмни (ажратилган захира суммаси 805 млн. сўм), шубҳали ва умидсиз тоифали кредитлар эса 73 ва 151 млн. сўмни, ташкил этилган захира эса мос равишда 36 ва 151 млн. сўм миқдорида захира ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин. Банкда жами кредитлар бўйича ажратилган захира суммаси 2012 йилда 2 297 млн. сўмни ташкил этади ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 286 млн сўмга ёки 2,2 баробарга ортган. Бунга жами кредитлар суммасини ўтган йилга нисбатан 100 622 млн. сўмга ёки 133 фоизга ортгани таъсир ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар муддати бўйича фарқланувчи банк томонидан бериладиган қарзлардир.

Қисқа муддатли кредитлар. Қисқа муддатли кредитлашда кредитлар бир неча ойлардан бир йилгача бўлган муддатга берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди. Бир йил фондлар айланишининг табиий ўлчови сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, бир йил қисқа ва узоқ муддатли кредитлашнинг чегараси бўлиб хизмат қилади.

Узоқ муддатли кредитлар. Узоқ муддатли кредитлашда, кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашда ишлатилади. Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар

томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал қўйилмаларни, молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Шу сабабли, тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қиламиз (4-жадвал).

4-жадвал

ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитларнинг
муддати бўйича таркиби²⁷ (31 декабр ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		Фарқи	
		Млн. сўмда	Салмоғи %	Млн. сўмда	Салмоғи %	Ўсиш даражаси, млн.сўмда	Ўзгариши, (%)
1	Қисқа муддатли кредитлар	118 416	39	179 893	45	61 477	152
2	Узоқ муддатли кредитлар	186 175	61	224 034	55	37 859	120
3	Жами берилган кредитлар	304 591	100	403 927	100	99 336	133

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2011-2012 йилларда банк томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати ижобий ҳолатга эга яъни узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга (2012 йилда 2011 йилга нисбатан ажратилган кредитлар 33 фоизга ошган).

Банк умумий кредитлари таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғи юқори даражада экан. 2011 ва 2012 йилда жами кредитларнинг мос равишда 61 ва 55 фоизини ташкил этмоқда ва 2012 йилда узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи 2011 йилга нисбатан 20 фоизли пунктга ошганлиги банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш амалиётининг ривожланаётганлигидан далолат беради. Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланишида банк кредитларидан фойдаланишни сезиларли

²⁷ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

даражада ўсганлигидан далолат беради. Шунини таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт ва инфляция даражаси барқарор бўлган ҳолатдагина тижорат банклари узоқ муддатли кредитлар беришдан манфаатдор бўлишади.

Жумладан, ОАТ “Алоқабанк” жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш учун истеъмол кредитларини бермоқда. Маҳаллий уй-рўзгор техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилган. Шунга кўра, ОАТ “Алоқабанк” юртимиз аҳолисига уй-жой масалаларига кўмаклашиш билан бир қаторда, муносиб турмуш тарзини яратишга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ҳамюртларимизга турли уй жихозлари, оргтехника, мебель сотиб олиш, ўқиш ва даволаниш каби тадбирларга истеъмол кредитлари бермоқда.

ОАТ “Алоқабанк” бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезкор мослашган ҳолда, юридик ва жисмоний шахслар учун маҳсулотлар ва хизматлар қамровини ҳамда тармоғини кенгайтириш мақсадида кредитлар беришда давом этмоқда (5-жадвал).

5-жадвал

ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитларнинг миқдорлар бўйича таркиби²⁸ (31 декабр ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		Фарқи	
		Млн. сўм	Салмоғи, %	Млн. сўм	Салмоғи, %	Ўсиш даражаси, млн.сўмда	Ўзгариши, (%)
1	Юридик шахсларга	274 000	90	359 908	89	85 908	131
2	Жисмоний шахсларга	31 602	10	46 315	11	14 713	147
Жами		305 602	100	406 223	100	100 621	133

Келтирилган жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкинки, банк томонидан ажратилган кредитларнинг асосий қисми юридик шахсларга тегишли. Яъни 2011 йилда юридик шахсларга ажратилган кредитлар 274 000

²⁸ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

млн. сўмни ва бу умумий ажратилган кредитларнинг 90 фоизини ташкил этган бўлса 2012 йилда ҳам мос равишда 359 908 млн. сўм ва 89 фоизни ташкил этмоқда. Сабаби ОАТ “Алоқабанк” турли хил мулкчилик шаклдаги кичик ва йирик бизнес корхоналарига, шу жумладан хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга ҳам кредитлар ажратади. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар эса 2012 йил ҳолатига кўра 46 315 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14 713 млн. сўмга ёки 147 фоизга ортган. Гарчи умумий кредитлар ҳажмида юридик шахсларга ажратилган кредитлар салмоғи юқори бўлсада, жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар юридик шахсларга бериладиган кредитларга нисбатан кўпроқ ўсаётганини кузатишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда банк кичик бизнесни кредитлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол тадбирларни амалга оширади. 2012 йил давомида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 265,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, йил якунига қолдиқ 277,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2 700 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ва бу соҳада кўзланган самарага эришиш, бизнинг фикримизча кўра биринчи навбатда ушбу ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган маблағларнинг мавжудлиги ва барқарорлигига, бу эса ўз навбатида банк тизимининг барқарор ресурс базаси ва ундан самарали фойдаланиш жараёнларининг мавжудлигига боғлиқдир. Банкларнинг барқарор ресурс базасини ташкил этиш, уларнинг депозит сиёсатининг самарадорлигида ўз аксини топса, ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш асосан кредит сиёсати билан чамбарчас равишда боғлиқдир. Кредитларнинг самарадорлиги мижоз учун уни мақсадли ишлатиш натижасида оладиган даромади миқдорининг ўсиши, жамият учун қўшимча иш ўринлари сони ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши эканлигини эътироф этган ҳолда кўп ҳолларда кредитнинг самараси банк кредит сиёсатининг мукамаллига таъсир этади.

Бир неча йиллар давомида ОАТ “Алоқабанк” кредит портфелини диверсификация қилиш сиёсатини қўллаган ҳолда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларга молиявий кўмак бериш бўйича самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

6-жадвалда ОАТ “Алоқабанк” томонидан ажратилган кредитларнинг портфел структураси келтирилган.

Банкнинг инвестицион кредитларига назар ташлайдиган бўлсак, банк томонидан бир қанча тармоқларга кредит йўналтирилган. 2011 йилда жами кредитлар салмоғининг 32 фоизини саноат тармоғи ташкил этмоқда. 2012 йилда ҳам улушлар ҳисобида ушбу кўрсаткич энг юқори ўринни эгаллаб турибди. Ушбу тармоғнинг умумий нисбатини оладиган бўлсак, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 37,45 млрд. сўм кўпроқ кредит ажратилган бўлиб, 38 фоизга ошган.

6-жадвал

ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели структураси²⁹ (31 декабр ҳолатига)

№	Кредит портфели структураси	2011 йил		2012 йил		Фарқи	
		Млрд. сўмда	Салмоғи, %	Млрд. сўмда	Салмоғи, %	Ўсиш даражаси, млн.сўмда	%
1	Саноат	96,6	32	134,05	33	37,45	138
2	Қишлоқ хўжалиги	35,4	12	48,75	12	13,35	137
3	Транспорт ва алоқа	91,9	30	60,93	15	-30,97	66
4	Қурилиш	25	8	77,18	19	52,18	308
5	Савдо ва умумий овқатланиш	26,8	9	28,44	7	1,64	106
6	Молиявий хизматлар	17,1	5	16,25	4	-0,85	95
7	Бошқа тармоқлар	12,8	4	40,62	10	27,82	317
Жами		305,6	100	406,22	100	100,62	133

²⁹ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Салмоғ жиҳатдан кейинги ўринда 2011 йилда транспорт ва алоқа тармоғи турган бўлса, 2012 йилда ушбу ўринни қурилиш тармоғи эгаллаб турибди. Яъни, улушлар мос равишда 30 ва 19 фоизни ташкил этмоқда.

Тармоқлар умумий нисбатига эътибор берадиган бўлсак, деярли барча тармоқларга ажратилган кредит миқдорининг ортганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина транспорт ва алоқа, молиявий хизматларга ажратилган кредитлар миқдори камайган яъни, 30 ва 5 фоизга. Юқорида айтиб ўтганимиздек ушбу камайишлар умумий кредит ҳажмига ўз таъсирини кўрсатмаган.

Биз юқоридаги таҳлилларни кредитларнинг турли хил хусусиятлари асосида амалга оширдик. Албатта ушбу кўрсатилган хизматлар эвазига банкда даромад шаклланади. “Прайсвотерхаус Куперс” шўъба аудиторлик компаниясининг (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ 00492-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатади) банк фаолиятини аудит қилиш натижаларига кўра банк томонидан 2011 ва 2012 йилларда кредит фаолиятидан олинган даромадлари қуйидагича (9-расм).



9-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит бўйича олинган фоизли даромади динамикаси³⁰ (минг сўмда)

³⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Банк ахборотномаси, 2013 йил 24 апрель 17-18 б, аудит натижалари асосида.

Кўриниб турибдики, банк томонидан 2011 йилда 29 709 860 минг сўм ва 2012 йилда 51 342 389 минг сўм миқдорида даромад олинган. Демак, 2012 йилда 2011 йилдагига нисбатан 21 632 529 минг сўм ёки 72,81 фоизга кўп даромад шаклланган. Шу ўринда юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Яъни, банк томонидан 2012 йилда олдинги йилдагига нисбатан 33 фоиз (100 621 млн. сўм) миқдорида кўп кредит ажратилган.

2011 ва 2012 йилларда ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредит ва олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатлари ўртасида тўғри пропорционаллик мавжуд эмас. Демак, кредит фаолияти орқали олинadиган даромадларни ошириш мақсадида банк томонидан амалга оширилган ишлар ўз ижобий натижасини берган. Буни кредитларнинг самарадорлик даражасини топиш орқали ҳам аниқлаштириш мумкин. Берилган кредитларнинг самарадорлик даражасини куйидаги формула орқали ҳисобланади.

(2.1
)

Формуладан фойдаланган ҳолда 2011 ва 2012 йиллар учун самарадорлик даражасини аниқлаймиз.

2011 йил учун

2012 йил учун

2011 йилда кредитга йўналтирилган 1000 сўмлик пул маблағлари 0,0972 минг сўм (яъни 97,2 сум) ва 2012 йилда 0,1264 минг сўм (яъни 126,4 сум) даромад келтирган. Мазкур натижалар юқорида келтирилган хулосаларни тасдиқлайди. Демак, банк кредит портфели миқдор ва сифат жиҳатдан бир неча маротабага ошганлиги аниқланди.

ОАТ “Алоқабанк”да юридик шахс мақомига эга бўлган миждозлар учун алоҳида ва жисмоний шахслар учун алоҳида ходимлар хизмат кўрсатади. Ҳар иккала тоифа миждозларнинг кредит шартномаси ва у билан боғлиқ қўшимча маълумотлари банкнинг электрон базасида сақланади ва тегишли тартибда Марказий банкнинг КАДРга юборилади.

ОАТ “Алоқабанк” кредит битимида оид маълумотларни IABS дастури ёрдамида электрон базасини шакллантиради.

Кредит битими тўғрисидаги маълумотлар IABS дастурига қуйидаги кетма-кетликда киритилади (2-илова) ва КАДРга юборилади:

1. Аризалар мазмуни ва миждоз реквизитлари (миждоз номи, жойлашган манзили, СТИР, ҳисоб рақами) киритилади;
2. Кредит шартномаси тўлдирилади. Бунда кредит тури ва муддати кўрсатилади;
3. Миждоз учун махсус ҳисоб рақам очилади;
4. Фоиз ставкалари киритилиб, фоиз тўловларининг миқдори акс эттирилади;
5. Таъминот турига тегишли маълумотлар акс эттирилади;
6. Барча қадамлар умумлаштирилиб, соланади;
7. Юқоридаги маълумотлар амалиёт бошқармасига жўнатилади;
8. Амалиёт бошқармаси КАДРга жўнатади.

Банк томонидан берилган кредитларнинг барчаси юқоридаги тартибда IABS тизимида киритилиб, маълумотлар базаси шаклланади. Ушбу тизим банкнинг мавжуд филиаллари фаолиятига ҳам тадбиқ этилган. Барча филиаллар миждоз ва кредит шартномаси тўғрисидаги маълумотларни

юқоридаги кетма-кетликда IABS тизимига жойлаштириб, қисқа вақт ичида амалиёт бошқармасига жўнатадилар ва бунинг натижасида барча маълумотлар ўз вақтида КАДРга юборилади.

Ҳар йили мамлакатимизда тижорат банкларининг рейтинг кўрсаткичлари махсус рейтинг агентликлари томонидан таҳлил қилиниб, улар фаолияти турли хил йўналишлар бўйича баҳоланади, жумладан кредит фаолияти ҳам. 2013 йилда Миллий рейтинг Агентлиги “Axbor-reyting” ОАТ “Алоқабанк”га “uzA+” миллий шкаласи бўйича “БАРҚАРОР” башорати билан кредит рейтингини берди³¹. “uzA+” рейтинги банкнинг қарзни тўлай олишлик қобилятининг жуда ЮҚОРИ даражада эканлигини, яъни, унинг фаолиятида кредит хавф-хатарлари даражасининг жуда паст даражада эканлигини англатади. ОАТ “Алоқабанк”га берилган рейтинг банкнинг бозордаги юқори иш фаолиятини, тез ривожланаётган тижорат тармоғини, мос капитализацияни, мувозанатлаштирилган ликвидлик позициясини акс эттиради.

³¹ [http:// www.uba.uz](http://www.uba.uz).

II боб бўйича хулоса:

– ОАТ “Алоқабанк” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан, алоқа корхоналарига, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий кўмак бериш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, банкнинг асосий йирик мижозларини ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳаси корхоналари ташкил этади;

– ОАТ “Алоқабанк” фаолиятига ҳам миллий рейтинг Агентлиги “Ахбор-рейтинг”, ҳам машхур халқаро рейтинг агентлиги “Moody’s” томонидан ижобий рейтинг баҳолари берилган;

– мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш стратегиясини амалга ошириш доирасида, ОАТ “Алоқабанк”да “Банк-Мижоз”, “СМС-Банкинг” ва “Интернет-Банкинг” тизимларини ўз ичига олган бир бутун технологик мажмуа муваффақиятли ишлаб турибди;

– банк активларининг асосий қисмини (61 фоиз, 2012 йил 31 декабр ҳолатига) мижозларга берилган кредит ва бўнақлар ташкил қилади ва кредит портфелининг сифат жиҳатдан таҳлили шуни кўрсатдики, банкнинг кредит портфели таркибида яхши деб таснифланувчи кредитлар салмоғи энг юқори;

– таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари қисқа муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини бебарқарорлиги кузатилган;

– 2011 ва 2012 йилда мижозларга ажратилган кредитлар ва олинган фоизли даромадларни таҳлили кредитларнинг самарадорлик даражасини ошганлигини кўрсатди;

– ОАТ “Алоқабанк” мижоз билан тузилган кредит битими тўғрисидаги маълумотларни КАДРга ва кредит бюроларига IABS дастурий тизими ёрдамида узатади;

– 2013 йилда Миллий рейтинг Агентлиги “Axbor-reyting” томонидан ОАТ “Алоқабанк”га “uzA+” миллий шкаласи бўйича “БАРҚАРОР” башорати билан кредит рейтинги берилди.

III боб. ОАТ “АЛОҚАБАНК” КРЕДИТ ФАОЛИЯТИГА АКТИВ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Хорижий мамлакатлар банк соҳасида кредит технологияларининг қўлланилиш ҳолати

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизими шакллантирилиб, тижорат банкларининг молия бозоридаги воситачилик роли мустаҳкамланиб, улар фаолияти жаҳон амалиёти андозаларига яқинлаштирилмоқда. Хусусан, 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Президент Қарори билан мамлакатимиз банк тизими олдида қўйилган бир қатор вазифалар республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Қарор билан республиканинг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг бир неча асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, тижорат банклари мижозларининг кредитлаш жараёнини ташкил қилишда жаҳоннинг етакчи банклари тажрибасини ўрганган ҳолда замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш Марказий банк ва тижорат банклари олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Яқин вақтлар давомида хорижий мамлакатлар банк соҳасида ва кредит ташкилотлари фаолиятида янги кредит маҳсулоти-онлайн кредитлаш тизими пайдо бўлди. Онлайн кредитлаш дастлаб Европа давлатларида ташкил этилган. Тизимнинг пайдо бўлганига кўп бўлмаган бўлсада, ушбу хизматнинг фойдаланувчилари сони кундан-кунга кўпайиб, Глобал тармоқдан фойдаланувчилар орасида оммалашмоқда. Онлайн кредитлаш тизими бу-

масофадан туриб кредит буюртмасини амалга ошириш, аризаларни онлайн тарзда банкга тақдим этишдир. Ушбу тизимнинг фаолияти замонавий ахборот технологияларига асосланади. Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари онлайн кредитлаш жараёнини тезлаштирувчи ва енгиллаштирувчи восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Онлайн кредитлаш мижозларга қуйидаги қулайликларни яратмоқда:

- онлайн аризаларни расмийлаштириш. Бу жараён анча осон бўлиб, бунда мижоздан қўшимча билим ва кўникма талаб этилмайди, аризаларни тўлдириш барча учун тушунарли;
- мижозлар барча банкларнинг веб-саҳифалари орқали кредитларнинг турлари ва шартлари билан танишиб, қайси банкдан кредит олиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилишлари ва бир йўла бир неча банкга аризалар тақдим этишлари мумкин;
- банк веб-саҳифаларида олайн-калькулятор ҳам мавжуд бўлиб, мижозларнинг фоиз тўловларини тўлаш жадвалини белгилаб беради;
- аризалар бир кунда 24 соат давомида қабул қилинади. Мижоз ўзига қулай фурсатда ариза тақдим этиши мумкин.

Онлайн кредитлаш онлайн аризаларни тақдим этиш билан бир қаторда талаб қилинадиган хужжатлар нусхаларини ҳам масофадан тақдим этиш имкониятини йўлга қўйган.

Жаҳон амалиётида онлайн кредитлашнинг пайдо бўлиши мижозларга юқоридаги қулайликларни яратиб,бунинг натижасида қуйидагиларни олди олинди:

- банкга бориш, навбатда туриб, банк менежери билан учрашиш;
- кредит шартлари билан танишиш ва талаб қилинадиган хужжатлар рўйхатини олиш;
- вариантларни таққослаб, маълум кредит турини танлаш;
- қайта банкга бориб, навбатда туриб, хужжатлар нусхаларини тақдим этиш;

- банк кредит комиссиясининг ижобий қарорини кутиш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, онлайн кредитлаш бу - тўлалигича масофавий кредитлаш жараёни эмас, балки кредит олиш жараёнининг маълум бир қисмини масофавий амалга оширишдир. Бунда барча тайёрлов ишлари хонадон ёки офисда амалга оширилади ва ундан сўнг мижоздан банкга бориш талаб қилинади.

Ушбу тизимнинг йўлга қўйилганлиги натижасида, бугунги кунда хориж мамлакатлари банкларида кредитлаш жараёни анча енгил кечмоқда. Бундай жараённи Германия Федератив Республикасининг йирик банкларидан бири Коммерцбанк (нем. Commerzbank AG) мисолида олишимиз мумкин.

Банк 1870 йилнинг 26 февралида ташкил этилган. Банкнинг амалиёт бошқармаси Германиянинг Франкфурте-на-Майне шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида ўз филиалларига эга. Шу билан бирга банк бугунги кунда ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Полша, Венгрия, Чехия ва Ўзбекистон давлатларида ўз бўлимларини очишни режалаштирмоқда. Бугунги кунда банкнинг мижозлар сифими 8 миллион кишидан иборат. Банкнинг активлари 6 миллион еврони ташкил этади ва Германия банклари орасида активлар салмоғи бўйича иккинчи ўринда эгаллайди.

Банк ўз амалиётига ахборот технологияларининг энг замонавий турларини жорий этиб, мавжудларини мунтазам равишда такомиллаштириб боради.

Бугунги кунда банк АКТнинг энг янги турларини амалиётга жорий этган ҳолда, мижозларга хизмат турининг асосини ташкил этувчи кредит бериш жараёнини амалга оширмоқда. Мижозларнинг банкдан кредит олиши жараёнининг маълум қисми масофавий амалга оширилмоқда.

Коммерцбанкнинг расмий сайти ёрдамида мижозлар онлайн тарзда банкга ариза тақдим этишлари мумкин. Бу биринчи қадам ҳисобланиб, ундан кейин керакли хужжатлар нусхаларини ҳам юбориш имконияти мавжуд. Масофавий хизмат Коммерцбанк мижозларига қулайликлар яратмоқда ва

улар вақтини тежалишига сабаб бўлмоқда. Коммерцбанк онлайн тарзда кредитлашда виртуал шахсларга, яъни унда ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган шахсларга хизмат кўрсатади.

Банкда барча хизмат кўрсатиш жараёнлари автоматлаштирилган бўлиб, виртуал хизмат кўрсатиш жараёни ривожланган. Бугунги кунда банкнинг турли хил бўлимларида 56 000 ходим фаолият олиб бормоқда ва онлайн тарзда кредитлаш амалиётининг ривожланиши натижасида 6 000 та иш ўрни қисқартирилиши кўзда тутилган.

Кредитлаш соҳасида банк юқори мавқени эгаллаб турибди. Банкнинг ҳар бир молиявий бўлимлари ўз веб-ресурслариги эга.

Онлайн аризанинг банк томонидан белгиланган шакли мавжуд. У одатда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлади:

- мижознинг исми, фамилияси, шарифи;
- яшаш манзили;
- кредит тури;
- сумма миқдори;
- муддати ва фоизи;
- кредит мақсади;
- иш жойи ва лавозими;
- ўртача ойлик маоши;
- таклиф этилаётган гаров объекти;
- электрон почта номи ва телефон рақами.

Онлайн аризага асосан қуйидаги ҳолларда кредит бериш рад этишлиши мумкин:

- агарда мижоз салбий кредит тарихига эга бўлса;
- доимий даромад манбаига эга бўлмаса ва ойлик маоши кам бўлса;
- маҳаллий фуқароликка эга бўлмаса;
- телефон рақамига эга бўлмаса;
- мижоз банк томонидан белгиланган ёш оралиғига мос келмаса. Банк томонидан мижозларнинг ёш чегараси 18-65 қилиб белгиланган.

Мижозларнинг банкга бўлган муносабати банкни доимо қизиқтириб келган. Банк ҳар бир миждоз учун алоҳида кураш олиб бориб, банк хизматларидан фойдаланишлари учун қулайликлар яратади. Мазкур банк ўз нашрий газетасига эга ва у ҳар ойда чоп этилиб, миждозларга банк фаолиятидаги янгиликларни таништириш мақсадида ҳар бир миждозга тақдим этилади.

Масофавий кредитлаш амалиётидан самарали фойдаланаётган хорижий давлатлар банкларидан яна бири бу Россия Федерациясининг универсал банки ОАЖ “Бинбанк”дир

Банк 1993 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, амалиёт бошқармаси Москва шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда Россия Федерациясининг 39 та регионидан банкнинг 190 дан ортиқ офислари фаолият юритмоқда.

Россияда чоп этиладиган “Профиль” журналининг 2013 йил 1 июлдаги маълумотида кўра Россиянинг 30 та йирик универсал банклари орасида “Бинбанк” ишончлилиги бўйича 3 ўринда туради. Ҳар йили Россия Миллий Рейтинг Агентлиги томонидан банкларнинг кредитга лаёқатлилиги рейтинги амалга оширилади. 2013 йилда банкга “АА” шкаласи бўйича “жуда юқори” (2-даражали) рейтинги берилди. 2012 йилда эса “АА-” шкаласи (3-даражали) берилган эди.

Бинбанк Россиянинг бошқа банклари сингари миждозларига хизмат кўрсатиш юзасидан максимал қулайликларни яратган. Ушбу қулайликларни кредит фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

Банкнинг веб саҳифасида “кредит дастури” деб номланган махсус сатр мавжуд бўлиб, унда банк томонидан тақдим этилаётган барча кредит турлари ва улар билан боғлиқ қўшимча маълумотлар батафсил келтирилган. Миждоз ўзига маъқул кредит турини танлаб, онлайн тарзда банкга ариза тақдим этиши мумкин. Агарда миждозда қўшимча саволлар пайдо бўлса “электрон хат” сатри ёрдамида банкга хат йўллаши, ёки бир кунда 24 соат давомида телефон орқали саволларга жавоб берувчи банкнинг махсус мутахассислари хизматидан фойдаланган ҳолда ўз саволларига жавоб олиш имкониятига эга.

Телефон хизматидан фойдаланганлиги учун миждан ҳеч қандай алоқа хизмати учун ҳақ олинмайди, аксинча барча алоқа хизматлари ҳақи банк ҳисобидан амалга оширилади.

Онлайн тарзда ариза тақдим этилгандан сўнг қисқа фурсат ичида банк мижднинг кредит тарихини ўрганиб, унга кредит ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида телефон орқали ёки электрон хат орқали хабар қилади.

Банк томонидан ижобий қарорни қабул қилган миждлар барча керакли ҳужжат нусхаларини масофадан туриб банкга тақдим этади ва ундан сўнг банк томонидан қайта қўнғироқ амалга оширилишини кутади.


Керакли ҳужжатлар банкга тақдим этилгандан сўнг 10 минутдан 3 кунгача бўлган вақт оралиғида махсус қўнғироқ ёки электрон хат орқали миждга ҳафтанинг қайси кунда ва қайси вақт оралиғида банкга ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни имзолаши ҳақида маълумот берилади. Бунинг натижасида банкга бориб ортиқча вақт сарфланишининг олди олинади. Лекин шундай банклар ҳам борки унда мижднинг банкга келиши талаб қилинмайди. Россиянинг “Русский Стандарт” банки шулар жумласидандир.

Мазкур банк томонидан кредит расмийлаштирилиши қуйидаги 10-расмда келтирилган босқичларда реал вақт давомида амалга оширилмоқда.

Олинган кредитнинг фоиз тўловларини ва асосий сумманинг маълум бир қисмини ҳар ойда сўндириб бориш лозим. Россия банкларида ушбу тўловларни масофадан туриб амалга ошириш имкони мавжуд.

Мамлакатда фаолият юритувчи “Рапида” компанияси миждларга 24 соат давомида ўз тўловларини масофадан туриб амалга оширишга кўмаклашмоқда. Миждлар Россия Федерациясида фаолият юритаётган барча банкларга ўз мобил телефонлари орқали кредит тўловларини “Рапида” компаниясининг “Rapida Online” тизими ёрдамида қулай ва хавфсиз тарзда тўлашлари мумкин. Фақатгина “Мегафон” ёки “Билайн” уяли алоқа

компаниясининг абонентларигина хизматнинг ушбу туридан фойдаланиш имкониятига эга.



10-расм. “Русский Стандарт” банкининг кредит шартномаси расмийлаштирилиш босқичлари³²

“Мегафон” компаниясининг абонентлари бўлган фуқаролар 8408 рақамига “xxxxxxxxx уууу.уу” кўринишида СМС такдим этадилар. Биринчи ўнта рақам махсус шифрланган кодни, кейинги рақамлар рубл ва тийинларни ташкил этади. Кўнгилли мижозлар махсус шифрланган кодга “Мегафон” компаниясининг бўлимлари орқали ёки расмий веб-саҳифаси орқали эга бўлишлари мумкин. Мижозлардан тўловларни амалга оширгани учун “Мегафон” компаниясининг фойдасига умумий тўлов суммасининг 3,5 фоизи миқдорида коммиссион ҳақ ушлаб қолинади.

“Билайн” компаниясининг абонентлари эса 7878 рақамига юқоридаги кўринишда смс такдим этадилар. Бунда коммиссион ҳақ умумий ўтказилган сумманинг 4,95 фоизини ташкил этади.

“Rapida Online” тизимидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Тўлов жараёни бир неча

³² [http:// www.rsb.ru](http://www.rsb.ru).

дақиқа мобайнида амалга оширилади ва ўтқазилган пул суммаси тўлов амалга оширилган кундан кейинги кунда банкнинг махсус ҳисоб-китоб рақамида “кўринади”. Транзакциялар ҳимояланган ва тўлов амалга оширилганлиги, банкда қабул қилинганлиги тўғрисида мижозга махсус хабарнома тақдим этилади.

Ўтқазилган суммалар тўғридан-тўғри банкнинг махсус юридик ҳисоб рақамига бориб тушади.

“Rapida Online” тизими билан бир қаторда мижозлар қуйидаги воситалар ёрдамида ҳам кредит тўловларини тўлашлари мумкин:

- ✓ Россия Почта бўлимлари орқали;
- ✓ “Рапида” компаниясининг кассалари орқали;
- ✓ “Связной”, “Банзай” ва бошқа алоқа компаниялари орқали;
- ✓ “Эльдорадо”, “Эксперт”, “Техносила”, “М.Видео” ва бошқа маиший техника компанияларининг махсус касса аппаратлари ёрдамида;
- ✓ Western Union тўлов тизими орқали;
- ✓ ҳар қандай банкнинг VISA, Master Card, ва Maestro карточкаларига эга бўлган мижозлар турли хил банкларнинг банкомат ва инфокиоскалари орқали тўловларни тўлашлари мумкин. Ушбу тур тўловлари Шанба ва Якшанба кунлари ҳам фаолиятда. Бунда мижоздан ҳеч қандай комисион ҳақ ушлаб қолинмайди;
- ✓ “Спринтнет”, “RoseExpress”, “X-Plat”, “TelePay”, “Quickpay” ва бошқа компанияларнинг терминаллари орқали.

Хизматлар учун ҳақ қуйидаги миқдорларда ушлаб қолинади: Россия Почта бўлимлари учун умумий тўлов суммасининг 1,9 фоизи миқдорида (лекин 50 рублдан кам бўлмаган миқдорда) ва Western Union тўлов тизими учун 3 фоиз миқдорида (лекин 100 рублдан кам бўлмаган миқдорда).

Юқорида номлари келтирилган компанияларнинг Россия Федерациясида 90 000 дан ортиқ шахобчалари бугунги кунда мижозлар эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Мижозлар фоиз тўловларини айнан банкга бориб тўлашларининг ҳожати йўқ. Ўз яшаш манзилига яқин жойда жойлашган шаҳобча орқали ёки бўлмаса мобил алоқа воситалари орқали тўловни амалга оширишлари мумкин. Шу билан бирга миждозларда танлаш имконияти ҳам мавжуд, яъни турли хил тўлов турларида ушлаб қолинадиган комиссия ҳақ миқдори турлича бўлганлиги сабабли, миждоз ўзига маъқул вариантни танлаб тўловни амалга ошириш имкониятига эга.

Мижозларга кредит ажратилиш жараёнида банклар миждозларнинг скоринг таҳлилини амалга оширадилар. Бу банкнинг компьютерлаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда миждозни баллар орқали баҳолаш, яъни миждоз тўғрисидаги статистик маълумотларни олиш ва миждозга кредит ажратиш ёки аксинча, миждознинг кредитга лаёқатсиз эканлигини аниқлашдир.

Скоринг сўзи XX асрнинг 40 йилларида Буюк Британияда вужудга келган бўлиб “score”, яъни балларни ҳисоблаш деган маънони билдиради.

Скоринг таҳлили турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Йирик банклар ўз ресурслари ва даромадларидан фойдаланган ҳолда, миждозларга захира яратиб, марказлашган ҳолда скоринг моделларини ўзлари яратишлари мумкин. Регионал кредит ташкилотлари эса тайёр моделлардан фойдаланади. Американинг “Фико” компанияси технологик қарор қабул қилиш бўйича жаҳоннинг энг илғор етказиб берувчи компанияси ҳисобланади. Ушбу компания банклар ва кредит бюролар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш бўйича энг машҳур ва аниқ модел ёрдамида кредит тарихини таҳлил қилиш асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Унинг натижаси бўйича қарз олувчининг скоринг баҳоси аниқланади ва 300-850 гача бўлган баллар билан қуйидаги мазмунда скоринг баҳоси белгиланади:

- 690-850 балл. Юқори. Рад этиш эҳтимоли жуда кам;
- 650-690 балл. Стандарт ва қарз олувчининг оптимал скорингидир.

Кредит деярли кафолатланган;

- 640-650 балл. Яхши. Кредит олиш учун қулай имкон;

- 600-640 балл. Қониқарсиз. Кредит олиш мумкин, лекин кафолатланмаган;
- 500-600 балл. Ёмон. Кредит олиш имкони етарли эмас;
- 300-500 балл. Жуда ёмон. Кредит олиш имкони деярли йўқ.

Скоринг тизими орқали банклар миждозларни тез баҳолай олади. Ҳар бир банк мустақил равишда миждоз учун қарз миқдорини белгилайди. Баъзи бирлариники юқорироқ, баъзи бирлариники эса пастроқ. Бунинг умумий тенденцияси кредитни рад этмаслик учун скоринг баллини пасайтиришдир.

Банклар мақбул қарз олувчиларни ўрганиб чиқиб, уларни илгари паст скоринг баллига эга бўлган миждозлар орасидан танлайди. Скоринг тизими кредит тарихини аниқлашда кафолатнинг энг самарали инструменти ҳисобланади.

Аксарият скоринг тизимлари фақатгина маълумотларни жамлаш билан чекланибгина қолмай, мустақил равишда миждозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолашни амалга оширадилар.

Кредит скорингнинг бир қанча турлари мавжуд. Банкнинг ўз олдида қўйган мақсадига қараб кредит скорингининг маълум бир туридан



фойд
алан
иш
мумк
ин
(11-
расм
).

11-расм. Кредит скоринг турлари³³

Application scoring мижозларнинг кредит олиши учун уларнинг тўлов қобилиятини баҳолашдир. У кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қарздорларнинг ижтимоий, демографик, молиявий аҳволи ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни тўғри баҳолаш натижасида олинади. Кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилишда скоринг моделлари ёрдамида тез таҳлил қилиш субъектив хулосалар асосида эмас, балки текширилган аналитик қонуниятлар асосида энг объектив баҳо бериш имконини беради.

Behavioral scoring бу банк томонидан қарздорларнинг алоҳида ҳисобварақлари ва бутун кредит портфелини “бошқариш” юзасидан қарорлар қабул қилишда “хулқ-атвор” скорингидир. Хулқ-атвор скорингининг асосий вазифаси кредит портфелини ташкил этувчи қарздорлар билан боғлиқ потенциал рискни прогнозлашдан иборат.

Collection scoring бу кредит ҳисобварақлари “қоникарсиз” деб таснифланган “ёмон” қарздорлар билан ишлаш бўйича устивор вазифалар ва иш йўналишларини аниқлашдир. Муддати ўтган қарздорликлар бўйича ўз вақтида огоҳлантиришнинг самарали тизими банкнинг қарздорликни ундириши ва гаровдаги мулк билан ишлашдаги харажатларини камайтириш учун жуда муҳим ҳисобланади. Collection scoring қарздорлар билан ишлаш жараёнини бошқаришнинг барча босқичларида банк иши самарадорлигини яхшилашга хизмат қилади.

Fraud scoring бу банкнинг амалдаги потенциал мижозлари томонидан қаллоблик ҳаракатларини аниқлаш бўйича скоринг қайси мижозларнинг кредит бериш тўғрисидаги сўровни рад қилиши ёки батафсил ўрганиб чиқиш мақсадида кейинроққа қолдириши лозимлигини аниқлаш бўйича қарор қабул қилишда ёрдам беради.

Скоринг тизимининг афзалликлари шундаки, автоматлаштирилган қарор қабул қилиш орқали йўл қўйиладиган харажатларни ва операцион рискларни

³³ Бекмуродов А. Замонавий банкларда кредит скоринг талаблари ва уни такомиллаштириш йўллари // Бозор, пул ва кредит. – 2014. - №02. 10–12 б.

қисқартириш, буюртмаларни қабул қилиб, кредитлаш жараёнига сарфланадиган вақтни тежайди ҳамда банкларнинг кредит сиёсатини марказлаштиришда қулайлик яратади.

Тижорат банклари ўз кредит сиёсатларидан келиб чиққан ҳолда скорингнинг қайси туридан фойдаланишни мустақил равишда белгилашлари мумкин.

Бир қатор Ғарб мамлакатлари олимларининг фикрича, автоматлаштирилган скоринг тизими юқори даражада самарали бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Объективлик. Скоринг модели турли омилларнинг объективлиги ва қарор қабул қилишда субъектив инсон омилининг таъсирини камайтириши лозим.

Автоматлашганлик. Скоринг модели реал вақт режимида кредит аризаларининг катта оқимини кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Аниқлик. Скоринг моделининг аниқлик даражаси юқори бўлиши керак, яъни нотўғри таснифланган мижозлар сони кам бўлиши лозим.

Мослашувчанлик. Скоринг модели кредит ташкилотининг ташқи ва ички муҳитидаги ўзгаришлар, шунингдек, назорат органларининг норматив ҳужжатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим.

Ўзгарувчанлик. Скоринг моделининг ўзгарувчанлиги моделга ўзгартиришлар киритиш имкониятининг мавжудлиги, омиллар хиссасини ўзгартириш, янги омилларни қўшиш, модел параметрларини ўзгартиришдан иборат.

Тушунарлилик. Скоринг моделининг муҳим хусусияти маълум бир қарздорнинг аниқ бир кредит рейтингини олишда тушунтириш бериш имконияти мавжудлигидир. Баъзи усулларда қарздорга нима учун кредит олиши рад этилганлиги бўйича тушинтиришлар берилмайди. Қарор қабул қилишнинг тушунарлилиги юқори даражада бўлган скоринг модели олинган натижаларнинг осон қабул қилинишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу талабларга жавоб берувчи скоринг моделларини қўллаш орқали мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш тижорат банклари кредит таваккалчилигини камайтириб, барқарорлирини оширишга хизмат қилади.

2. ОАТ “Алоқабанк” томонидан кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий – иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ”³⁴ – деб таъкидлайдилар.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши кредитлар беришдан иборат бўлиб, улар фаолиятининг молиявий барқарорлиги, кўп жиҳатдан, кредит сиёсатини тўғри ва оқилона амалга оширилишини, уларни бугунги ахборот технологиялари асрида мижозларга қулай тарзда тақдим этишни тақозо этади. Шу боис, тижорат банклари кредитлаш жараёнини чуқур таҳлил этиш ҳамда ушбу жараёнда АКТ имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Мазкур тадқиқот ишида ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит фаолияти ва АКТдан фойдаланиш ҳолатининг таҳлилий жараёни амалга оширилди. Мазкур банкнинг кредитлаш амалиёти юзасидан қуйида келтирилган бир қатор хулосалар шакллантирилди:

1. Банк активлари таркибида кредитларнинг салмоғи асосий ўринни (61% 2012 йил 31 декабр ҳолатига) эгаллайди. Бу эса, халқаро банк

³⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -53 б.

амалиётида кредитларнинг салмоғи бўйича мавжуд бўлган тенденцияга мос келади. Брутто активлар таркибида кредит қўйилмаларининг улуши 60 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Таҳлил қилинган давр мобайнида банк қисқа муддатли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи камлиги кузатилган. Ушбу ҳолат салбий ҳисобланади ва қуйидагилар билан изоҳланади:

– тижорат банклари пасивларининг таркибида қисқа муддатли пасивлар етарли даражадаги салмоқни эгаллаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

– қисқа муддатли кредитларнинг айланиш тезлиги юқори бўлса, улар тижорат банкларига барқарор тарзда ва йирик миқдорда даромад олиш имконини беради.

3. Банкнинг веб саҳифасида номлари келтирилган кредит турлари билан амалда банк томонидан тақдим этилаётган кредит турлари ўртасида тафовутнинг мавжудлиги.

4. Онлайн тарзда аризаларни қабул қилиш амалиётининг техникавий ишлаш тартибинининг фаоллашмаганлиги.

5. Кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар нусхаларини масофадан туриб банкга тақдим этишни таъминловчи технологик дастурнинг мавжуд эмаслиги.

6. Мижозларнинг кредит олишга лаёқатли ёки аксинча, лаёқатсиз эканлигини аниқлаб берувчи скоринг таҳлилнинг барча турларидан амалиётда фойдаланилмаётганлиги ва таҳлил ҳисоб-китобини амалга оширишга мўлжалланган махсус тизим билан таъминланмаганлиги.

7. Мижозлар томонидан олинган кредитларнинг фоиз тўловларини масофадан туриб сўндиришнинг технологик жараёнининг мавжуд эмаслиги.

8. Банк мижозларига ўз омонат ва кредит ҳисоб рақами бўйича амалга оширилган амалиётлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини бериш мақсадида ташкил этилган шахсий кабинет хизмати³⁵нинг амалда эмаслиги.

Келтирилган камчиликларни ва юқорида ўрганилган хорижий давлатларнинг кредит фаолиятидаги тажрибаларини инобатга олган ҳолда банк кредитлаш амалиётида АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискин маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини амалга ошириш миллий банк тизими ривожланишини таъминлашнинг замонавий усулларида фойдаланишни тақозо этмоқда. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазибаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида «...банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банк тизимида аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш»³⁶ бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини тақозо қилади. Дарҳақиқат, «...буларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш бўйича келгуси йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимидаги дастлабки қадамлар бўлиб, бу ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.»³⁷

³⁵ [http:// www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz).

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори.

³⁷ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.- Тошкент: Ўзбекистон, -2014. -63 б.

Тижорат банклари янги банк маҳсулотлари ва хизматларини барқарор иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки, банклар молия бозорида юқори технологияни мужассамлаштирган янги хизматларни жорий этиш ва сифатини яхшиламасдан самарали фаолият кўрсата олмайдилар.

Ўзбекистон тижорат банкларининг янги молиявий хизматлари бозори ривожланишнинг даслабки босқичида турибди ва унинг учун хос бўлган, яъни, банклараро рақобатнинг кучайиши, ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ҳамда банк хизматларига бўлган талабнинг ошиши каби хусусиятлар янгидан-янги банк хизматларини кенг миқёсда жорий этишни заруратга айлантirmoқда.

Олиб борилган тадқиқот натижасида тижорат банклари томонидан кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар қуйидагилардан иборатдир:

1. Банкнинг веб саҳифасида келтирилган амалдаги кредит турлари ва улар билан боғлиқ барча қўшимча маълумотларни ўз вақтида, доимий равишда янгилаб туриш.

Банк ўз мижозларига мавжуд кредит турлари, уларнинг берилиш шартлари, яъни қанча муддатга, неча фоиз ставка билан кредит берилиши, мижоз ва кафил шахсдан талаб қилинадиган хужжатлар, гаров объектининг турлари ва уларга тегишли бўлган хужжатлар рўйхати ҳақида батафсил маълумотлар бериш орқали уларнинг, яъни мижозларнинг ушбу хизматдан фойдаланиш жараёнини осонлаштиради.

Бугунги кунда банкларнинг веб-саҳифасида шу каби маълумотлар мавжуд, лекин тўлалигича эмас. Мавжуд маълумотларни тўлдириб, доимий равишда янгилаб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амалиётда яна шундай ҳолатни кузатишимиз мумкинки, веб-саҳифада кўрсатилган кредит турларининг барчаси ҳаракатда эмас. Яъни банкларнинг кредит сиёсатига ёки бошқа сабабларга кўра айрим кредит турларининг

берилиши вақтинча тўхтатилган. Лекин ушбу маълумотлардан мижозлар банкга боргандагина хабардор бўлмоқдалар. Банклар янгиликлардан мижозларни хабардор қилиб туриши, бунинг учун эса ушбу маълумотларни мунтазам равишда веб-саҳифаларига жойлаштириши лозим.

2. Онлайн аризаларни қабул қилиш амалиётининг техникавий ишлаш тартибини фаоллаштириш, ҳар бир босқич қоидаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш.

Банклар томонидан кредит бериш ва уни расмийлаштиришнинг бошланғич асоси мижозлар томонидан тақдим этиладиган аризалардир. Аризаларни мижозлар ўз хонадонларидан ёки офисларидан ёзиб банкга тақдим этмайдилар. Сабаби аризанинг ёзилиш намунаси ва махсус бланки мавжуд бўлиб (3-илова), бу бланклар мижозларга банкга боргандагина тақдим этилади ва банкнинг ўзида аризалар намуна асосида тўлдирилади. Ҳар бир мижоз ушбу аризани тўлдириш учун ўрта ҳисобда 6-7 дақиқа вақт сарф қиладилар. Ёзиб бўлинган аризалар ўз мазмунидан келиб чиқиб банк ходимлари томонидан IABS дастурига қайта киритилиб электрон шакли ҳосил қилинади. Банк ходимлари ушбу жараёнга 10-12 дақиқа вақт сарф қилишади. Аризаларни онлайн тарзда қабул қилиш амалиётини йўлга қўйилиши ортиқча вақт сарфланишини олдини олади.

Хориж тажрибасини ўрганиш асосида гувоҳи бўлдики, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар банклари амалиётида юқорида келтирилган жараён фаол бўлиб, бугунги кунда ундан унумли фойдаланмоқдалар.

Украинада чоп этилаётган “Первая крымская информационно-аналитическая газета” (508- сон, 2014 йил) газетасида чоп этилган мақолага кўра 2013 йил давомида Украинанинг 50 дан ортиқ банк ва кредит ташкилотларида жами 60 000 дан зиёд аризалар онлайн тарзда қабул қилинган.

Умумий тақдим этилган аризаларнинг 54 фоизини истеъмол кредитлари, 21 фоизини кредит карталар, 7 фоизини автомобиль кредитлари, 6 фоизини ипотека кредитлари ва 12 фоизини бошқа кредит турлари ташкил этган.

3. Кредит олиш учун мижозлардан талаб қилинадиган хужжатларни масофавий қабул қилиш амалиётини жорий қилиш.

Кредит беришда мижозлардан бир қанча хужжатлар нусхалари талаб қилинади (4-5 иловалар). Талаб қилинадиган хужжатлар нусхалари мижозлардан шахсан қабул қилиниб, мижоз учун очилган махсус йиғма жилдда йиғиб борилади. Юқорида таклиф этганимиздек, аризаларни онлайн тарзда қабул қилиш билан бир қаторда талаб қилинадиган хужжат нусхаларини ҳам масофадан туриб тақдим этишнинг йўлга қўйилиши мижозларнинг банк хизматидан фойдаланиш жараёнини тезлаштиради.

Хужжатларни масофавий қабул қилиш амалиётини жорий қилиш учун аввало мижоз билан банк ўртасидаги хужжатлар алмашинувини амалга оширувчи махсус дастурий тизимни ва хавфсизликнинг технологик аспектларини ишлаб чиқиш лозим. Хавфсизлик механизмларини таъминлашда Web интерфейс³⁸да шифрлаш³⁹, аутентификациялаш⁴⁰, сўровлар учун электрон имзодан фойдаланиш мумкин.

Ушбу жараёнда қуйидаги хавфсизлик ҳодисалари таъминланиши лозим:

- маълумотлар интернет орқали ўтиш вақтида ўзгартирилиши ёки бузилишига йўл қўйилмаслиги;
- фойдаланувчининг браузер ва маълумотлар маркази ўртасидаги маълумотнинг махфийлигининг сақланиши;
- киритилган паролнинг мослигини текширувчи процедуранинг мавжудлиги;
- тизимдаги барча ҳаракатлар фақат белгиланган вазифалар ва кириш ҳуқуқлари чеграсида бажарилиши.

4. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини ёки аксинча, лаёқатсизлигини аниқловчи кредит скорингининг барча турларидан кенг

³⁸Банк ходимларининг автоматлаштирилган иш жойи ёрдамида банк мутахассиси фойдаланувчиларни тармоқга улайди ва тармоқдан учиради, фойдаланувчиларнинг сервисларини бошқаради ва зарур бўлган ҳисоботларни олади.

³⁹Дастлабки очик маълумотни ёпиқ маълумотга ва тескарисига ўзгартириш усули.

⁴⁰Субъект тизимдан фойдаланиш учун тақдим этган индефикатор унга тегишлилигини ҳақиқийлигини ишонч даражисини ва бошқа воситаларни инобатга олган ҳолда текшириш.

фойдаланиш ва таҳлилни амалга оширишни янги авлод технологиялари асосида автоматлаштириш.

Ҳозирда ОАТ “Алоқабанк”да қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини баллар асосида аниқлаш учун скоринг таҳлил қилиш амалиёти йўлга қўйилган (6-7 иловалар), лекин автоматлаштирилмаган. Банк ходими ҳар бир мижознинг кредитга лаёқатлилигини белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда алоҳида ҳисоблайди.

ОАТ “Алоқабанк” ва бошқа тижорат банклари жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқилган замонавий услубиётлар асосида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда скоринг таҳлил қилиш амалиётида АКТдан ўринли фойдаланиш бир қанча сифат кўрсаткичларини беради.

“Халқаро тажрибага мувофиқ скоринг ва кредитлаш жараёнининг автоматлаштирилиши даромадлики ҳамда молиялаш ҳажмларини ошириш, шу билан бирга операцион харажатларни сезиларли даражада камайтириш, банкларнинг кредитлаш амалиётидаги самарадорликини ошириш ва кредит портфели сифатини яхшилаш имконини беради”, - дея қайд этади Халқаро Молия Корпорацияси (IFC)нинг Кредит бюроларини ривожлантириш бўйича Глобал дастури эксперти Фабрицио Фрабони⁴¹.

“Скоринг тизимининг жорий этилиши кредитлаш жараёнини бир неча баробар такомиллаштиради, унинг киритилиши билан молия ташкилотлари оладиган ижобий томонлар кўп, - дейди “Credit Info Decision” бошқарувчи директори Пол Рэндалл. - Скоринг кредит олувчилар учун катта имкониятлар яратади, тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа лойиҳаларни молиялашни анчагина соддалаштиради”⁴².

⁴¹Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, IFC ва SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги "Молиялаштириш жараёнини автоматлаштириш орқали қайта инжиниринглаш, скоринг ва кредит бюролари" мавзусидаги конференция маърузалар тўплами, [http:// www.cbu.uz/uzc/node/39071](http://www.cbu.uz/uzc/node/39071).

⁴²Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, IFC ва SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги "Молиялаштириш жараёнини автоматлаштириш орқали қайта инжиниринглаш, скоринг ва кредит бюролари" мавзусидаги конференция маърузалар тўплами, www.cbu.uz/uzc/node/39071.

Кредит скорингининг барча шакллари кўллаш, яъни кредит аризалари билан ишлашга тизимли ёндашиш банкга:

- кредит аризалари бўйича асоссиз радловларни миқдорини камайтириш эвазига кредит портфелини ошириш;
- қарз олувчининг баҳолашнинг аниқлигини ошириш;
- қайтмаслик даражасини камайтириш;
- қарз олувчининг баҳолаш жараёнини тезлаштириш;
- қарз олувчилар ҳақида маълумотларнинг марказлашган ҳолда йиғилишини ташкил қилиш;
- кредит мажбуриятлари бўйича эҳтимолли йўқотишларга қарши захираларнинг шаклланишини камайтириш;
- ҳар бир қарз олувчининг кредит ҳисобварағини ва кредит портфелини ўзгаришлари динамикасини тез ва сифатли баҳолаш имконини беради.

Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларига тўхтала туриб, кредит олувчиларнинг тўловга лаёқатсизлиги, ҳисоб-китоб қилишга қурби етмаётгани молия-банк тизимида жиддий муаммолар пайдо бўлишига олиб келаётганилигини таъкидлаб ўтдилар. Республикамиз банк тизимида бу каби муаммоларнинг юзага келишига йул қўймаслик учун тижорат банклари кредит олувчи-мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Бу эса банklar томонидан мижозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолашда амалда фойдаланиб келинаётган усулларни самарали натижа бериши учун замон талабларидан келиб чиқиб, доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

5. Фоиз тўловларини тўлаш муддатларини СМС хабар орқали мижозларга маълум қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

Банк томонидан тақдим этилган кредитлар фоизлари ва асосий сумманинг маълум бир қисми ҳар ой мижозлар томонидан сўндириб

борилиши лозим. Тўлов муддатлари мижоз ва банк ўртасида тузилган шартномада белгиланади. Ушбу фоиз тўловларининг тўланиш вақти яқинлашиши билан банк кредит бўлими ходимларининг меҳнати ниҳоятда кўпаяди. Сабаби ҳар бир мижозга алоҳида кўнғироқ қилиниб, тўлов муддати яқинлашаётганлиги ва фоизларни ўз вақтида тўлашлари лозимлигини яна бир бор эслатиб ўтадилар, гарчи бу муддат мижозларга маълум бўлсада.

Бу жараёнга ахборотлашган тизимни шундай жорий қилиш лозимки, банк ходимининг банкдан кредит олган ҳар бир мижозга шахсан кўнғироқ қилишига эҳтиёж қолмасин. Амалга оширилаётган кўнғироқларни СМС хабарини жорий қилиш орқали бартараф этиш мумкин. Бунда ҳар мижознинг мобил уяли алоқа воситасига электрон шаклда огоҳлантириш тарзида смс хабари жўнатилади. Бунинг натижасида ортиқча вақт сарфланишини олди олинади ва банк ходимларининг меҳнат сарфи қисқаради.

6. Олинган кредитларнинг фоиз тўловларини тўлашда ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда қулай шароитларни яратиш.

Мижозлардан олган кредитларининг фоиз тўловларини сўндириши учун албатта банкга бориш талаб қилинади, сабаби бошқа тарзда тўловларни амалга оширишнинг имконияти йўқ. Тўловлар банк томонидан фақатгина ҳафтанинг иш кунларида қабул қилинади. Бундай пайтда эса барча мижозлар ўзларининг кундалик фаолияти билан машғул бўладилар. Ушбу жараённи хориж тажрибасидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда фаолият юритувчи алоқа корхоналарининг кўмаги орқали енгиллаштириш мумкин. Жумладан:

1. Мобил уяли алоқа воситаси орқали тўловларни амалга оширишни ташкиллаштириш.

Бугунги кунда барча банклар шу жумладан, ОАТ “Алоқабанк” томонидан муомилага чиқарилаётган пластик карталар онлайн режимида ишловчи пластик карточкалардир. Бундай карталарни масофавий тарзда бошқаришнинг имкони мавжуд, яъни махсус ҳисобрақамлардаги ҳаракатлар

бўйича СМС-ахборотлар юбориш орқали тўловларни амалга ошириш мумкин. Бундай имкониятни кенг оммага мамлакатимизда фаолият юритувчи “CLICK” маъсулияти чекланган жамияти яратмоқда.

“CLICK” тизими орқали реал вақт давомида турли хизмат ва маҳсулотлар учун тўловлар ўтказиш йўлга қўйилган. Ушбу тизим орқали уяли алоқа операторлари, интернет-провайдерлар хизматлари учун тўловларни амалга ошириш, бошқа жисмоний шахсларга, савдо-сервис корхоналарига (супермаркет, ресторан ва кинотеатрларда тўловлар) пул маблағларини ўтказиш, бевосита банк ҳисобрақамидан интернет-магазинлардан онлайн-харидларни амалга ошириш мумкин.

ОАТ “Алоқабанк” ўз мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида “CLICK” МЧЖ билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Банкнинг пластик карталари эгаларига “CLICK” тизими орқали реал вақт давомида қуйидаги хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин:

- тўловларни мобил телефон ёки Интернет орқали бевосита жисмоний шахсларнинг банк ҳисобларидан нақд пул маблағларидан фойдаланмасдан амалга ошириш;

- тизимнинг бошқа фойдаланувчиларига пул маблағларини ўтказиш;
- ҳисобдан ҳисобга пул маблағларини ўтказиш;
- тўловлар тарихини кўриш;
- банк ҳисобларини онлайн тартибда текшириш;
- ҳисоб реквизитларини олиш ва бошқа имкониятлар.

Демак, кредит тўловларини мобил уяли лоқа воситалари орқали тўлашнинг дастурий тизимини жорий қилишни бевосита “CLICK” МЧЖ билан келишилган ҳолда яъни унинг қўшимча хизмат турларини яратишга буюртма бериш орқали ҳаракатга келтириш мумкин.

2. Почта алоқа бўлимлари орқали тўловларни амалга ошириш жараёнини йўлга қўйиш.

Ривожланган мамлакатларда хусусан Россия, АҚШ, Германия, Япония ва Хитойдаги почта алоқа бўлимлари мижозларга молиявий хизмат

турларини ҳам тақдим этади, яъни ўз мамлакатларида фаолият юритувчи банк мижозларига тўловларни амалга оширишларига кўмаклашади. Тўловлар пластик карталар орқали амалга оширилади ва транзакция учун мижоздан почта алоқа бўлими фойдасига умумий тўлов суммасининг маълум фоизи миқдорида коммиссион ҳақ ундирилади.

Россия почта алоқасини оладиган бўлсак, мамлакатнинг почта хизматлари қаторидан аҳоли учун зарур бўлган интерактив хизмат турлари ўрин олган. Хусусан, РФ почта тизимида хизматлар тўрт йирик гуруҳга ажратилган. Улар: почта хизматлари, молиявий хизматлар, аҳоли учун хизматлар ва юридик шахслар учун хизматлардир.

Бизнинг мамлакатимизда почта алоқа бўлимлари мижозларга ўзининг анъанавий хизматларини кўрсатиш билан бирқаторда банк мижозларига молиявий хизмат турларини кўрсатиши нафақат мижозларга қулайлик яратади, балки почта соҳасининг даромадларининг ошишига ҳам ҳисса қўшади. Бунинг учун транзакцияларни амалга оширувчи дастурий тизимни ишлаб чиқиш талаб этилади.

3. “Матбуот тарқатувчи” Акциядорлик Компаниясига қарашли матбуот дўконларидаги мавжуд терминаллар ҳамда қўшимча терминаллар ўрнатиш ва улар ёрдамида кредит тўловларни қабул қилишни ташкиллаштириш.

Бугунги кунда “Матбуот тарқатувчи” АКнинг 1 300 дан ортиқ матбуот дўконлари аҳоли хизматидадир⁴³. Ушбу дўконларнинг аксарияти терминаллар билан таъминланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу терминаллар орқали тўловларни қабул қилинишининг йўлга қўйилиши мижозлар эҳтиёжини қондиради. Шу билан бир қаторда компаниянинг матбуот дўконлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлади ва улар даромадининг маълум миқдарда ошишига олиб келади.

4. Банклар томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар орқали тўловларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш.

⁴³ [http:// www.akmt.uz](http://www.akmt.uz).

Тижорат банкларининг банкомат ва инфокиоскалари ёрдамида миждозлар пластик карточкалари орқали кеча ва кундуз коммунал хизматлар, уяли алоқа ва интернет тўловларини амалга оширишлари мумкин. Ушбу технологияларга қўшимча дастурларни киритиб, кредит тўловларини тўлаш тизимининг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юкорида келтирилган тавсияларнинг, яъни онлайн кредитлашнинг авфзалликларини кредитлаш жараёнидаги мавжуд ҳолатни ва АКТ имкониятларни жорий этиш орқали такомиллаштиришни солиштириш асосида кўриб чиқиш мумкин (12-расм).



12-расм. Кредит фаолиятининг анъанавий ва автоматлаштирилган жараёнининг таҳлили⁴⁴

Умуман олганда банк тизимида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш бўйича мамлакатимизда ижобий натижалар кузатилмоқда. Лекин шу билан бир қаторда фойдаланилмаётган имкониятлардан самарали ва унумли фойдаланиш бўйича амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк фаолиятининг кредитлаш жараёнида ахборот-коммуникация соҳасининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичидаги ўрни ва аҳамиятини умумиқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шундай хулосага келиндикки, ахборот технологиялари кредитлаш операцияларини оптимал даражада бажаришга кўмаклашади, ишлаб чиқилган ва кўрсатилган банк хизматлари эса банк операциялари билан биргаликда банк маҳсулотини яратади. Соҳанинг яқин истиқболдаги ривожини мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда ахборот-телекоммуникацияларнинг жаҳон хўжалик тузилмасига уйғунлашуви умумий қонуниятларининг амал қилиш тенденциялари билан тавсифланади. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган хизматларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Банк тизими фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ва такомиллаштириш асосида, энг аввало, замонавий ютуқларга асосланган миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада кенгайтиришга эришилади.

⁴⁴ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

III боб бўйича хулоса:

– хориж тажрибасини умумлаштириш мақсадида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидан Россия Федерациясининг, ривожланган мамлакатлардан Германия банкларининг тажрибалари таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида асосий эътибор кредит фаолиятида АКТдан фойдаланиш ҳолатини баҳолашга қаратилди. Хориж мамлакатлари банкларида онлайн кредитлаш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, қуйидаги имкониятлар мавжуд:

а) банкнинг веб саҳифаси ёрдамида аризаларни ва талаб қилинадиган ҳужжатлар нусхаларини онлайн тарзда банкга тақдим этиш технологиясининг мавжудлиги ва фаолиятда эканлиги;

б) банк томонидан кредит ажратилиши ёки аксинча, ажратилмаслиги ҳақидаги қарор тўғрисида миждозларга электрон хат йўллаш ёки махсус қўнғироқ орқали хабар қилиниши;

в) кредит тўловларини масофавий амалга оширилишининг кенг турларининг мавжудлиги ва тўлов турларининг қулайлиги;

г) айрим хориж банкларида, хусусан РФнинг “Русский Стандарт” банкида кредитнинг имзоланиши миждоз жойлашган манзилда, махсус банк курьерининг ташрифи қўмагида амалга оширилиши;

д) кредит аризалари бўйича қарор қабул қилишнинг сифати ва тезлигини таъминловчи кредит скорингининг автоматлаштирилгани ва барча турларидан кенг фойдаланилаётганлиги.

– ОАТ “Алоқабанк”, хорижий мамлакатлар банкининг кредит фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ва мавжуд АКТ имкониятларини инобатга олган ҳолда қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан:

а) онлайн аризаларни қабул қилиш амалиётининг техникавий ишлаш тартибини фаоллаштириш, ҳар бир босқич қоидаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш;

б) кредит олиш учун миждозлардан талаб қилинадиган ҳужжатларни масофавий қабул қилиш амалиётини жорий қилиш;

в) миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини ёки аксинча, лаёқатсизлигини аниқловчи кредит скорингининг барча турларидан кенг фойдаланиш ва таҳлилни амалга оширишни янги авлод технологиялари асосида автоматлаштириш;

г) олинган кредитларнинг фоиз тўловларини тўлашда ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда қулай шароитларни яратиш.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация ишида тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг мақсад ва вазифалари, кредит жараёнига АКТни жорий этиш масалалари ўрганилди, ОАТ “Алоқабанк” кредит фаолиятининг амалий ҳолати таҳлили амалга оширилди, ривожланган давлатлар кредит фаолиятини тараққий этиш тажрибаси ўрганилди ва шунинг асосида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кредит беришни такомиллаштиришда АКТнинг аҳамиятини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг олиб борилиши натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- тижорат банклари ўз кредит сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 21 мартда ишлаб чиқилган “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талабларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқадилар;

- тижорат банкининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат шаклида ишлаб чиқилиши ва Банк кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тегишли йилнинг 1 февралига қадар Кенгаш томонидан тасдиқланиши шарт тасдиқланиши шарт;

- банкларнинг муваффақиятли кредит сиёсати олиб боришининг зарурий шарти, қарздорлар тўғрисида тўлиқ ахборот алмашинуви ҳисобланади. Қарздорлар тўғрисидаги ягона электрон базани яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг КАМИ ҳамда Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси ташкил этилган;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг 4 октябрида кредит ахбороти алмашинуви тизимини бевосита тартибга соладиган алоҳида қонун ҳужжати-Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирди;

– кредитлаш жараёнини янада такомиллаштириш ва бу жараёнга АКТни кенгроқ жорий этиш мақсадида олиб борилаётган қонуний лойиҳалардан бири бу “Таров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Мазкур қонун 2013 йил 19 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг кучга кириш санаси 2014 йилнинг 1 июль куни деб белгиланган;

– ОАТ “Алоқабанк” мижозларга кенг кўламда сифатли банк хизмати кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратади. Шу сабабли банк халқаро нуфузли JP Morgan Chase Bank, Commerzbank AG, Райффайзен банк, Русславбанк, Заминбанк, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки, Ўзсаноатқурилишбанк каби ишончли, молиявий барқарор банклар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттириб келмоқда;

– банк кредитларининг асосий қисмини мижозларга берилган кредит ва бўнақлар ташкил қилади ва кредит портфелининг сифат жиҳатдан таҳлили шуни кўрсатдики, банкнинг кредит портфели таркибида яхши деб таснифланувчи кредитлар салмоғи энг юқори;

– таҳлил қилинган давр мобайнида банк қисқа муддатли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини бебарқарорлиги кузатилган;

– 2013 йилда Миллий рейтинг Агентлиги “Аxbor-reyting” ОАТ “Алоқабанк”га “uzA+” миллий шкаласи бўйича “БАРҚАРОР” башорати билан кредит рейтингини берди. “uzA+” рейтинги банкнинг қарзни тўлай олишлик қобилиятининг жуда ЮҚОРИ даражада эканлигини, яъни, унинг фаолиятида кредит хавф-хатарлари даражасининг жуда паст даражада эканлигини англатади.

– Хорижий мамлакатлар банклари кредит фаолиятида қўлланилаётган технологияларни ўрганиш мақсадида Россия Федерацияси ва Германия банклари кредит фаолияти таҳлил қилинди. Асосий эътибор кредит фаолиятида АКТдан фойдаланиш ҳолатини баҳолашга қаратилди ва қуйидаги имкониятлар мавжудлиги аниқланди:

а) банкнинг веб саҳифаси ёрдамида аризаларни ва талаб қилинадиган ҳужжатлар нусхаларини онлайн тарзда банкга тақдим этиш технологиясининг мавжудлиги ва фаолиятда эканлиги;

б) банк томонидан кредит ажратилиши ёки аксинча, ажратилмаслиги ҳақидаги қарор тўғрисида миждозларга электрон хат йўллаш ёки махсус қўнғироқ орқали хабар қилиниши;

в) кредит тўловларини масофавий амалга оширилишининг кенг турларининг мавжудлиги ва тўлов турларининг қулайлиги;

г) айрим хориж банкларида, хусусан РФнинг “Русский Стандарт” банкида кредитнинг имзоланиши миждоз жойлашган манзилда, махсус банк курьерининг ташрифи қўмагида амалга оширилиши;

д) кредит аризалари бўйича қарор қабул қилишнинг сифати ва тезлигини таъминловчи кредит скорингининг автоматлаштирилгани ва барча турларидан кенг фойдаланилаётганлиги.

– ОАТ “Алоқабанк” ҳамда хорижий мамлакатлар банкларининг кредит фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ва мавжуд АКТ имкониятларини инобатга олган ҳолда қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан:

а) онлайн аризаларни қабул қилиш амалиётининг техникавий ишлаш тартибини фаоллаштириш, ҳар бир босқич қоидаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш;

б) кредит олиш учун миждозлардан талаб қилинадиган ҳужжатларни масофавий қабул қилиш амалиётини жорий қилиш;

в) миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини ёки аксинча, лаёқатсизлигини аниқловчи кредит скорингининг барча турларидан кенг

фойдаланиш ва таҳлилни амалга оширишни янги авлод технологиялари асосида автоматлаштириш;

г) олинган кредитларнинг фоиз тўловларини тўлаш жараёнини автоматлаштирилган тўлов тизимида ўтказишда Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарини жалб этиш имкониятини яратиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун. 21 декабр 1995 йил (янгиланган: ЎЗР 29.12.2012 й. ЎРҚ-345-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 25 апрел 1996 йил (янгиланган: ЎЗР 30.04.2013 й. ЎРҚ-352-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун. 20 август 1999 йил (янгиланган: ЎЗР 30.04.2013 й. ЎРҚ-352-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун. 11 декабр 2003 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонун. 11 декабр 2003 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўлов тўғрисида”ги Қонун. 16 декабр 2005 йил (янгиланган: ЎЗР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон).
7. Ўзбекистон Республикаси “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун. 4 апрел 2006 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси “Кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”ги Қонун. 4 октябр 2011 йил (янгиланган: ЎЗР 30.04.2013 й. ЎРҚ-352-сон).
9. Ўзбекистон Республикаси “Таров реестри тўғрисида”ги Қонун. 19 июлда 2013 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2000 йил 21 мартдаги 905-сонли Низоми.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида”ги 2001 йил 8 февралдаги 485-сонли Низоми.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-56 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ –670 сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағлари банк айланмасига жалб этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 720 сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ –1438 сонли Қарори.

16. «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2004 йил 23 апрель 197-сон.

17. “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2012 йил 17 мартда 74-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

18. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -455 б.
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 56 б.
21. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.
22. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.
23. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. – 42 б.
24. И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.-Тошкент: Ўзбекистон, - 2014. -63 б.

IV. Асосий адабиётлар

25. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2007. -348 б.
26. Белоглазовой Н. Деньги, кредит, банки. – М.: Юрайт. 2005 г. –209 с.
27. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари активларининг даромадлилиги. Диссертация автореферати. – Тошкент, 2002. - 17 б.
28. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Диссертация автореферати. –Тошкент, 2008. -36 б.
29. Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических. - Москва: Финансы, 1967. -47 с.

30. Дробозина Л.А. Финансы. Денежное обращение. Кредит.- Москва: ЮНИТИ, 2000. -332 с.
31. Колесников В.И., Кроливецкой Л.П. Банковское дело.-Москва: Финансы и статистика, 2001.-480 с.
32. Қоралиев Т.М. ва бош. Пул-кредиторқали мувофиқлаштириш. - Тошкент, 2008.- 187 б.
33. Лаврушин О.И. Банковское дело.-Москва: Финансы и статистика, 1999. – 672 с.
34. Питер С. Роуз. Банковский менеджмент.- Москва: «Дело ЛТД» - 1995. - 743 с.

V. Қўшимча адабиётлар

35. Абашина А, Симонова Н. Кредит и займы. – М.: Дело, 1997. –128 б.
36. Абдуллаев Ё, Бобокулов Т. Кредит. 100 саволга 100 жавоб. – Тошкент: “Меҳнат”, 1996. – 124 б.
37. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Тошкент: Молия, 2007. - 348 б.
38. Жуков.Е.Ф. и др. Общая теория денег и кредита. - Москва: Банки и биржы, 1995.-520 с.
39. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – 296 б.
40. Коробой Г.Г. Банковское дело. – Москва: “Экономистъ”, 2004. – 741 б.
41. Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва: Л., 1931. -191 с.
42. Челнаков В.А. Кредит и кредитный механизм в условиях перестройки. – Москва: Финансы и статистика, 1989.-240 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

43. Гаров реестри: муваффақиятли кредитлаш учун ҳамкорлик // Банк ахборотномаси. – 2013. - №17-18. – 12-13 б.
44. Гаров реестри: он-лайн йўли билан рўйхатга олиш шарофати // “Норма маслахатчи” газетаси. -2013. -№40. -5 б.

45. Григорьева А. Минтақивий банклар самарали фаолият юритиб // Бозор, пул ва кредит.– 2008. - №7. 29–30 б.
46. “Жаҳон” кредит уюшмасининг кредит маҳсулотлари турлари // Бозор, пул ва кредит.– 2008. - №7. –5 б.
47. Зокирова И. Кредит муносабатлариборасидагисуд низолари // Бозор, пул ва кредит. – 2004. - №5. 16–18 б.
48. Бекмуродов А. Замонавий банкларда кредит скоринг талаблари ва уни такомиллаштириш йўллари // Бозор, пул ва кредит.– 2014. - №02. 10–12 б.
49. Кабилджанов О. Кредитный риск: методы определения // Бозор, пул ва кредит.– 2002. - №15. 9–11 б.
50. Кулишев Б. Тижоратбанкларининггаровмулкларибиланишлари // Бозор, пул ва кредит.– 2001. - №5. 14–19 б.
51. Молиялаштириш жараёнини автоматлаштириш орқали қайта инжиниринглаш, скоринг ва кредит бюрolari // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, IFC ва SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги маърузалар тўплами. -2013 .
52. Муллажонов Ф. банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш – устувор вазифамиз // Бозор, пул ва кредит. – 2005. - №8. 3–10 б.
53. Нуримов О.У. Тижорат банкларида янги ахборот технологияларининг қўлланилиши // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” Республика илмий-техник анжумани, Т: 2012, 154-155 б.
54. Нуримов О.У. Ахборот технологияларининг банк соҳасида қўлланилишини такомиллаштириш // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-техник анжумани, Т: 2014, 312-313 б.
55. Нуримов О.У. Кредит фаолиятини такомиллаштиришда АКТнинг аҳамияти // “Минтақалар ташқи иқтисодий фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. 2014. 184-185 б.

56. Нуримов О.У. Халқаро технологияларнинг банк амалиётидаги ўрнини ошириш масалалари // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-техник анжумани, Т: 2014, 377-378 б.
57. Нуримов О.У. Масофадан банк хизмати кўрсатишнинг истиқболлари // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-техник анжумани, Т: 2014, 349-350 б.
58. ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011-2012 йиллик ҳисоботлари.
59. ОАТ “Алоқабанк”нинг “2013 йил учун Кредит сиёсати”, 2013. -58 б.
60. “Первая крымская информационно- аналитическая газета” // Украина. 2014. -№508.
61. Пул – кредит соҳасидаги мавжуд вазиятлар ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, пул ва кредит. – 2014. - №1. 7–10 б.
62. Тулябаева Р. Совершенствование кредитного процесса в условиях либерализации // Бозор, пул ва кредит. – 2002. - №7. 14–15 б.

VII. Интернет сайтлари

- <http://www.aloqabank.uz> (Ўзбекистон Республикаси ОАТ “Алоқабанк”).
- <http://www.akmt.uz> (Ўзбекистон Республикаси АК “Матбуот тарқатувчи”).
- <http://binbank.ru> (Россия Федерациясининг “Бинбанк” банки).
- <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
- <http://commerzbank.com> (Германия Федератив Республикаси “Коммерцбанк”).
- <http://www.rsb.ru> (Россия Федерациясининг “Русский Стандарт” банки).
- <http://www.uba.uz> (Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциацияси).
- <http://www.worldbank.org> (Жаҳон банки расмий веб саҳифаси).